

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

Д. М. МИРАЗОВ

ЭКСПЕРИМЕНТ – ТЕРГОВ ҲАРАКАТИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ –2016

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Тақризчилар:

Тошкент давлат юридик университети криминалистика кафедраси
мудири, юридик фанлар доктори **Г. З. Тўлаганова**;
юридик фанлар номзоди, доцент **Б. Н. Рашидов**

М 53 Миразов Д.М.

Эксперимент – тергов ҳаракати: Ўқув қўлланма – Т.:
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 53 б.

Ушбу қўлланмада эксперимент тергов ҳаракатининг процессуал тартибга солиниши, уни ўтказиш асослари ва турлари, эксперимент ўтказишнинг тактик хусусиятлари ёритилган.

Юридик олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, талабалар, тингловчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларига мўлжалланган.

ББК 87.99 (5У)93я73

© Д.М. Миразов, 2016
© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.

КИРИШ

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамиятда қонуннинг ҳукмронлигини қарор топтиришни тақозо этади. Чинакам ҳуқуқий давлат барпо этмоқ учун мамлакатда адолатли, инсонпарвар, демократик қонунлар тантана қилиши шарт. Қонуннинг олий мавқеи давлат ва жамият ҳаётининг муқаддас принципларидан биридир. Ижтимоий муносабатларда қонун муқаддас саналиб, юксак нуфузга эга бўлишининг боиси шуки, унда халқнинг иродаси, хоҳиш ва истаклари, манфаат ва интилишлари ўз ифодасини топади.

«Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб, – дейди Ислом Каримов, – фуқаролик жамияти ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди»¹.

Ҳуқуқий тизимимизда либераллаштириш жараёнларининг бошланганлиги ислохотлар самарасидир. Бугунги кунда қонунчиликни, ҳуқуқий нормалар мазмунини демократия принциплари асосида эркинлаштириш ва янгилашдек тенденция юзага келди.

Юқорида кўрсатиб ўтилган жараёнлар жамият ҳаётининг барча соҳаларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда. Жиноятларга оид давлат сиёсатининг йўналишларини тубдан ўзгартирилиши инсон омилини унинг марказига чиқарилишига олиб келди. Эндиликда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари олий қадрият сифатида баҳоланиши ва муҳофаза қилиниши шарт. Инсон ҳуқуқлари бузилишининг эҳтимоли катта бўлган соҳа содир этилган жиноий қилмишлар юзасидан суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш жараёни ҳисобланади. Жиноят процессининг ушбу босқичларида жиноий ҳодисанинг юз берганлиги, уни содир этилишида муайян шахснинг айбдорлигини аниқлаш учун процессуал қонунда кўрсатилган ҳаракатлар амалга оширилади. Эълон қилинган либераллаштириш сиёсати ўзининг кейинги такомиллашувини исботлаш жараёнини амалга оширишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш масалаларига янги ҳуқуқий доктрина нуқтаи назаридан қаралишини тақозо этади. Исботлашни амалга оширишда далиллар турли тергов процессуал ҳаракатлари натижасида тўпланади.

¹ Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 38.

Тергов жараёни ўзининг туб моҳиятига кўра, илгари бўлиб ўтган ҳодисани инсон онгида, тафаккурида сақланиб қолган қиёфалар, ҳаракатлар, жараёнларни қайта тиклашдан иборатдир. Жумладан, эксперимент тергов ҳаракати жараёнида жиноий ҳодисанинг тикланиши экспериментал, тажриба ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Аммо ушбу тажриба ҳаракатларини амалга оширишда қандай процессуал, моддий, маънавий ва ахлоқий мезонларга асосланиши лозим? Уни амалга оширишда иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари қай даражада чекланишига йўл қўйилади? Ана шунга ўхшаш ва бошқа муаммоли ҳолатлар бугунги кундаги тергов амалиётида ўз ечимини кутаётган масалалардан айримлари, холос.

1. ЭКСПЕРИМЕНТ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида турли тергов ҳаракатларининг самарадорлиги жиноят-процессуал қонун нормаларининг аниқ бажарилишига, шунингдек, жиноят процессуал қонунчиликнинг тўғри қўлланилишига боғлиқ. Дастлабки тергов жараёнида терговчи билишнинг турли усуллари, жумладан кузатиш, ўлчаш, моделлаштириш, солиштириш, таҳлил этиш ва ҳоказоларни қўллаб, объектив ҳақиқатни аниқлайди.

Тергов жараёни, ўз моҳиятига кўра, ўтмишда юз берган жиноий воқеликни ретроспектив англаш жараёни бўлиб, жиноят процессуал қонунчиликда кўрсатилган тартибга асосланади. Терговчининг билиш жараёни иш бўйича ҳолис ҳақиқатни аниқлаш мақсадида фактик маълумотларни аниқлаш ва процессуал жиҳатдан мустаҳкамлашдан иборат.

Далилларни тўплаш ва текшириш усуллари амалдаги Жиноят-процессуал кодекс билан тартибга солинади ва тергов ҳаракатларининг яхлит тизимини ташкил этади. Далилларни тўплаш ва текшириш усулларига жиноят содир этилган ҳолатни эксперимент орқали текширишни киритиш мумкин.

Жиноят содир этилган шарт-шароитни тиклаш гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчиларнинг кўрсатмаларини, бошқа далилларни, шунингдек иш бўйича пайдо бўлган тусмолларни эксперимент орқали текширилишини ҳам кўзда тутади.

Криминалист олим Р. С. Белкиннинг фикрича, жабрланувчи ва унга нисбатан зўрлик ишлатган шахснинг жиноят содир этилиши вақтидаги ҳолатини, жиноятчининг бўлиб ўтган воқеа жойидаги хатти-ҳаракатларини қайта тиклаш мумкин эмас, аксинча, биз бунда доимо янги, бутунлай бошқа воқеа-ҳодисалар ва ўзига хос белгиларга эга бўлган ҳодисани юзага келтираемиз. Шунинг учун ҳам жиноят содир этилган вақтдаги шарт-шароитни тиклаш деганда, қандайдир ҳодисани ёки фактни айнан тиклаш эмас, балки тадқиқ этилаётган ҳодисага ўхшаш ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади. Бундай хатти-ҳаракатлар, яратилган шароит ҳам ҳақиқий воқеа юз берган шароитга ўхшаш бўлади, холос¹.

¹ Белкин Р.С. Теория и практика следственного эксперимента. – М., 1959. – С.19–20.

Жиноят содир этилган шароитни тиклашда, умуман олган суд муҳокамаси предметини аниқ тиклаб бўлмайди, чунки воқеанинг бундай тикланиши ижтимоий хавфли бўлади ва жиноят таркибини ташкил этиши мумкин. Шу сабабли «...содир бўлган жиноятнинг айрим ҳолатларини тиклаш (аниқроғи такрорлаш) мумкин бўлса-да, жиноятнинг хусусий тавсифига боғлиқ бўлган омиллар (рашк, ғазаб, ғараз) ёки ижтимоий сабаблар (уруш, саросима) ёхуд фавқулодда ҳолат (зилзила, ёнғин, тошқин) билан боғлиқ бўлган субъектив ҳис-туйғулардан иборат субъектив жиҳатларни, жиноятчининг ўз қилмишига муносабатини қайта тиклаб бўлмайди»¹.

Жиноятларни тергов қилиш жараёнида суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари ҳақиқатни диалектик билишнинг турли усуллари (кузатиш, ўлчаш, моделлаштириш ва ҳоказо) қўллаб аниқлайдилар. Экспериментал (лотинча *experimentum* – синов) услубнинг моҳияти – объектни ўрганаётган шахс муайян хусусиятларни аниқлаш ёки жараённинг йўналишини ўрганиш учун сунъий шароитларни яратиш орқали унга фаол тарзда таъсир қилишидан иборат². Ушбу методнинг мазмунини илм-фан ёки амалиётнинг муайян ҳолатларини текширишга йўналтирилган тажриба ҳаракатлари ташкил этади³.

Эксперимент йўли билан қизиқиш уйғотаётган ҳодиса бошқалар қаторидан ажратиб олинади ва унинг ҳуқуқий табиати, моҳияти, келиб чиқиши ўрганилади ва шу орқали илгари шундай шароитларда ўхшаш ҳодисанинг мавжуд бўлганлиги ёки келажакда мавжуд бўлиши мумкинлиги ҳақида ишончли хулоса қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК)-нинг 153-моддасида эксперимент ўтказишнинг асослари келтирилган бўлиб, унда «Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатмаларини, бошқа далилларни, шунингдек, иш юзасидан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишга ҳақлидир.

Эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш,

¹ *Миразов Д.М.* Жиноят содир этилган шароитни тиклаш – жиноят иши бўйича далилларнинг муҳим манбаи. – Т., 1997. – Б.4–5.

² Большой философский словарь. – М., 1998. – С.628.

³ *Лузгин С.М.* Методологические проблемы расследования. – М., 1993. – С.159.

шунингдек, ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказилади», дейилган.

Эксперимент энг мураккаб тузилишга эга бўлган процессуал ҳаракатларидан бири бўлиб, дастлабки тергов органлари томонидан кенг қўлланилади. Ниҳоятда турли-туман бўлган жиноятлар бўйича дастлабки тергов жараёнида ҳақиқатни аниқлаш учун аксарият ҳолларда далилларни тўплашнинг асосий, баъзан эса алмаштириб бўлмас воситаларидан бири сифатида эксперимент қўлланилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида эксперимент тажриба, бирор илмий мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тажриба сифатида таърифланади¹. Тажриба эса муайян шароитларда тадқиқ этиш, текшириш мақсадида қандайдир ҳодисани тиклаш, бирор янги нарсани яратишдан иборат. Ўз-ўзидан маълумки, бунда амалий ҳаракатлар зарур ва уларни ўтказмасдан туриб экспериментни амалга ошириб бўлмайди.

Эксперимент ўтказиш орқали биз муайян шароитларда ва муайян йўсинда бирор-бир ҳаракатларни амалга ошириш имкониятининг воқеликда мавжуд бўлиш имкониятини текшираемиз.

Фикримизча, экспериментнинг моҳиятини белгилайдиган асосий жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

– тергов ҳаракатидан кўзланган мақсад иш учун аҳамиятли маълумотларни текшириш, уларга аниқлик киритиш ва тергов тусмолларини текшириш иборат бўлади;

– эксперимент ўтказиш вақтида ҳақиқатан мавжуд бўлган ва текширилаётган ҳаракатларга имкон қадар ўхшаш ҳаракатлар амалга оширилади;

– текширилаётган ҳаракатлар амалга оширилган шароитларга (ёки ҳолатларга) имкон қадар ўхшаш шароит ёки ҳолат яратилади.

Юқорида келтирилганларни умумлаштириб, экспериментга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *Эксперимент иш учун аҳамиятли тусмолларни текшириш ҳамда белгиланган тажрибавий ҳаракатларни муайян шароитда ва тегишли равишда амалга ошириш имкониятларини аниқлаш мақсадида бажариладиган мустақил тергов ҳаракатидир.*

Эксперимент процессуал ҳаракат бўлиб, махсус тажрибалар ўтказиш, иш бўйича аҳамиятга эга бўлган янги далилларни олиш ёки мавжуд далилларни текшириш, шунингдек, қандайдир бир фактларни келиб чиқиши сабаблари бўйича тергов тусмолларини текшириш, ҳодисани вужудга келтирган механизм ҳаракатларини (масалан, гувоҳ маълум масофада туриб иш бўйича аҳамиятга эга бўлган сўзлашувни

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т., 2009. – Б. 543.

эшитишга, жабрланувчи, агар жиноятчилар автомашинада қочиб кетишган бўлса, автомашина рақамини кўриб эслаб қолишга қодирми, айбланувчи сўроқда берган кўрсатмаларига асосан сейфни очишга имкони борми ёки йўқми ва ҳ.к.) ўрганишдан иборат. Шунга ўхшаш ҳар қандай вазиятларда терговчига кўмакдош сифатида эксперимент услуби ёрдамга келади. Гарчи, ўрганиш методи ҳисобланган тажриба ўтказиш бошқа бир тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида ўтказилса (масалан, кўздан кечириш пайтида) экспериментни тергов жараёнида олиб бориладиган бошқа тажрибалардан фарқ қилишини билиш лозим ва бу тўғрисида тегишли таърифга эга бўлиш керак.

Масалан, кўздан кечириш ўтказганда омборхонада хабар бериш тизими яхши ишляптими, ўғирлик қаердан содир этилган, гумонланувчидан олинган қалит билан шу қулфни очиш мумкинми, деган саволларга бевосита жавоб олиш мумкин. Лекин бунда тажрибалар алоҳида тергов ҳаракати мақомига эга эмас, негаки, у тергов кўригининг таркибий қисми, фрагментидир. У бундай ҳаракатларни амалга оширишнинг қатор усулларида бири сифатида намоён бўлади.

Эксперимент – бу ўзига хос, мустақил тергов ҳаракати бўлиб, унинг жараёнида тажрибалар ўтказилади ва улар бу тергов ҳаракатининг асосий мазмунини ташкил қилади¹.

Эксперимент бир неча марта ва одатда бошқа процессуал ҳаракатлардан сўнг воқеа жойи тикланган шароитларда ўтказилади. Воқеа жойини кўздан кечириш воқеа содир бўлган шароитларда ўтказилса, эксперимент, одатда воқеа шароитлари жиноятдан аввалги тикланган ҳолатларида олиб борилади. Уни ўтказишда терговчи жиноят вақтида ишлатилган предметларга ўхшаш предметлардан фойдаланиши мумкин.

Эксперимент криминалистик экспертизалар билан ўхшашлик жиҳатларига ҳам эга. Экспертизаларда ҳам тажрибалар ўтказилади. Лекин воқеа жойини кўздан кечиришга ўхшаб экспертлар томонидан олиб бориладиган экспериментлар ўрганишнинг хусусий-услубий аҳамиятига эга ва тадқиқотнинг бир фрагментини ташкил этади. Бундан ташқари, экспертизани терговчининг қарори бўйича мутахассис эксперт ўтказди (ЖПК 180-м.). Эксперимент тергов ҳаракатини эса терговчи ўз қарорига асосан ўзи ўтказди ва унга, одатга кўра, махсус билимларга эга бўлиш талаби қўйилмайди. Эксперимент ЖПКнинг 153–154-моддалари талабларига асосан ўтказилади. Экспериментал

¹ Криминалистик тактика: Дарслик / У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 1996. – Б.149–150.

тадқиқотларни ўтказишда тажрибалар эксперт методикасига асосланади ва унинг бирор-бир хоссасини ташкил қилади. Эксперимент баённомасида тажрибаларнинг мазмуни акс эттирилади холос, экспериментнинг натижалари бошқа иш бўйича мавжуд бўлган далиллар билан баҳоланади.

Эксперимент турли хил тергов ҳаракатлари элементларидан ташкил топган, деган фикр бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар ва криминалистлар орасида кенг тарқалган. Баъзи муаллифларнинг таъкидлашича, эксперимент яхлит ўзига хос тергов ҳаракати бўлиб, унда бошқа тергов ҳаракатларининг, хусусан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, сўроқ қилиш, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тинтув ва таниб олиш учун кўрсатиш элементлари биргаликда қўшилиб келади, аммо у мазкур ҳаракатларнинг ҳеч бири доираси билан чекланиб қолмайди¹. Ф. В. Глазырин ва А. П. Кругликовлар олиб борган тадқиқотларида ушбу масалага тўлиқроқ ёндашадилар. Жумладан, уларнинг фикрича, эксперимент кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш ва сўроқ қилиш каби тергов ҳаракатлари элементлари мажмуидан иборат бўлган комплекс тергов ҳаракатидир. Лекин эксперимент тергов ҳаракатида юқорида санаб ўтилган тергов ҳаракатларининг элементлари янгича кўринишда вужудга келиб, бир-бирлари билан боғлиқлиги чегараланган ва бир ҳаракат элементларини бошқа ҳаракат элементларидан миқдорий жиҳатдан устун келиши ҳамда бу элементлар миқдорининг ўзгариб туриши тергов ҳаракатининг сифатини ўзгартира олмайди².

Айрим муаллифлар эксперимент – бу бир нечта тергов ҳаракатлари элементлари йиғиндисидан ташкил топиб, жиноят процессуал қонунчилигининг турли хил нормалари билан тартибга солинганлиги боис уни ЖПКда қолдириш масаласини ўйлаб кўриш лозим, деган фикрларни билдирганлар³. Бизнингча, келтирилган фикр асоссиздир, чунки эксперимент бошқа тергов ҳаракатлари комбинациясидан ташкил топмасдан, балки мустақил тергов ҳаракати бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек, анча кенг тарқалган ва жиноят рўй берган вазиятни

¹ Лутиков В.Д. Кўрсатувни жойида текшириш. – Т., 1993. – Б.8–9.

² Глазырин Ф.В., Кругликов А.П. Следственный эксперимент. – Волгоград, 1981. – С.21.

³ Қаранг: Ларин А.М. Эффективность правовой регламентации доказывания. – Советский уголовно-процессуальный закон и проблемы его эффективности. – М., 1989. –С.277–278.

тажрибалар ўтказиш йўли билан жабрланувчилар, гувоҳлар, гумон қилинувчилар ёрдамида аниқлаш, улардан жиноят ва уни содир этган шахс тўғрисида дастлабки ахборотни олиш жиҳатидан ўрнини алмаштириб бўлмайдиган энг ишончли воситадир.

Гарчи, ушбу тергов ҳаракати ўзида кўздан кечириш, сўроқ ва кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатларининг алоҳида белгиларини акс эттирган бўлса-да, лекин ўзига хос белгилари мавжудлиги ҳисобига уларнинг ҳеч қайси бирига тааллуқли бўлиши мумкин эмас¹.

Билдирган фикримизнинг асослилигини исботлаш учун эксперимент тергов ҳаракатини бошқа тергов ҳаракатларидан фарқини ва ўхшаш томонларини кўриб чиқамиз.

Эксперимент, илгари таъкидланганидек, комплекс тавсифга эга ҳаракат бўлиб, сўроқ қилиш, кўздан кечириш, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатларининг муайян элементларига эга. Бирок, ўзининг мазмуни бўйича бирор-бир кўрсатилган ҳаракатларга мос келмайди, улардан ўзининг мақсади ва моҳияти билан фарқ қилади ва мустақил таърифга эга.

Эксперимент бошқа тергов ҳаракатларидан қуйидагилари билан фарқ қилади:

1) сўроқ жараёнида кўрсатма берган шахс ўз кўрсатмаларини қайта тиклаш орқали ҳодиса содир бўлган жойда ёки бошқа жойда кўрсатиб бера олишини тасдиқлаши лозим, акс ҳолда бу тергов ҳаракати ўтказилмайди;

2) тажриба ҳаракатлари бир неча маротаба қайтарилиши билан бирга, эксперимент жараёнидаги кўрсатмалар тегишли ҳаракатларни намойиш этиш ҳамда воқеликда бўлган объектларни ва ҳолатни кўрсатиш билан олиб борилади;

3) ҳодиса содир бўлган жойда ҳам тажриба ҳаракатлари жиноят содир этиш вақтида бўлган шароитларни тиклаш орқали ўтказилади;

4) шароитни жойида қайд қилиш ва аввал сўроқ қилинган шахснинг тушунтиришларини ҳисобга олиш билан ўтказилади.

Эксперимент тергов ҳаракатига энг яқин ва ўхшаш бўлган тергов ҳаракати бу кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ҳисобланади. Лекин бу тергов ҳаракати билан эксперимент иштирокчилари ўз таркиби жиҳатидан фарқ қилади. Терговга оид экспери-

¹ Қаранг: *Миразов Д.М.* Исботлаш воситаси // Ҳаёт ва қонун. – 1996. – № 8. – Б.54.

ментларни ўтказишда кўп ҳолларда айбланувчининг, гумон қилинувчининг, гувоҳнинг ва жабрланувчиларнинг бевосита иштирок этиши шарт эмас. Кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш эса бу шахсларнинг иштирокисиз ўтмайди. Кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишда асосий вазифа воқеа юз берганлиги ёки бермаганлигини аниқ ва қатъий белгилаш эмас, балки кўрсатмалари текширилаётган шахснинг фикрича, воқеа қандай юз берганлигини аниқлашдан иборатдир.

Эксперимент ва кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатлари ўртасидаги асосий фарқ уларнинг тузилишида бўлиб, қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, эксперимент асосан ҳодиса ҳолатларини ва шарт-шароитларини тиклаш, шунингдек, айрим хатти-ҳаракатларни бир неча маротаба тажриба ўтказиш орқали қайтаришдан иборат бўлади. Кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишда эса терговчи ҳеч қандай ҳодиса шароитларини ва ҳолатларини тикламайди.

Иккинчидан, ушбу тергов ҳаракатларининг мақсадлари бир-бирига яқин бўлгани билан, уларнинг тузилишида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Сабаби, терговчи кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатида сўроқ қилинган шахснинг кўрсатмалари ҳодиса шароитига мос келиши ва келмаслигини аниқлаш орқали ушбу шахснинг жиноятда гувоҳ ёки иштирокчи бўлганлиги ёки умуман ёлғон кўрсатма берганлигини билиб олиш имкониятига эга бўлади.

Учинчидан, экспериментни ўтказиш шарт-шароитлари бевосита унинг натижаларига таъсир кўрсатади. Масалан, об-ҳавонинг ёмонлиги, ўтказиш ҳолати ва бошқалар, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишда эса унинг ўтказилиш шароити натижага ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

Тўртинчидан, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракати айнан жиноят ҳодисаси содир бўлган жойда ёки унга тааллуқли бўлган ҳудудлардагина ўтказилади. Эксперимент эса ишнинг ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ҳодиса содир бўлган жойда эмас, балки бошқа жойда ҳам ўтказилиши мумкин.

Бешинчидан, экспериментни ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳлардан ташқари, иш бўйича бошқа иштирокчилар ҳам қатнашишлари мумкин, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатида эса бундай ҳолатга йўл қўйилмайди, сабаби ушбу тергов ҳаракатининг объективлигини ва кўрсатмалари текширилаётган шахсга эркин шароит

таъминлаб бериш мақсадида ҳар бир иштирокчи билан алоҳида-алоҳида ўтказилади.

Сўроқ қилинган шахс ўзининг ҳаракатларини ифодалаш, намоёйиш қилиш усули бўйича ҳам эксперимент ва кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатлари ўртасида жиддий фарқ мавжуд. Тергов экспериментини ўтказиш жараёнида фақатгина тажрибавий аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлар бажарилиб, улар турли хил кўринишларда бир неча бор такрорланиши ҳам мумкин, шунингдек, уларнинг бажарилиши учун терговчи маълум бир шароитларни олдиндан тайёрлаб қўяди (бажариш ҳолати, вақти, жойи ва бошқалар). Кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш тергов ҳаракатида эса кўрсатмалари текширилаётган шахснинг ҳаракатлари тажрибавий аҳамият касб этмайди, балки улар фақатгина намоёйиш шаклида бўлади.

Эксперимент ва кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг умумий мақсади далилларни текшириш ва аниқлаштиришдир. Экспериментнинг мазмуни асосан тажрибалар, тажриба ҳаракатларини ўтказиш бўлса, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишнинг мазмуни воқеликда бериладиган кўрсатмаларни аввал берилган кўрсатмалар билан солиштириш ҳамда уларни воқеликка тўғри келишини аниқлашдан иборатдир. Шунга асосан, терговчи, одатга кўра, ҳеч қандай тажриба ҳаракатларини амалга оширмайди, бироқ кўрсатмалари текшириладиган шахснинг ҳаракатлари ва берган тушунтиришларига эътибор қилади. Чунки айнан шу ҳаракатлар ва тушунтиришлар иш учун аҳамиятли бўлади.

Эксперимент кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текширишдан фарқ қилади, аммо уларнинг умумий мақсади бир, яъни далилларни текшириш ва аниқлаштириш. Экспериментнинг мазмуни асосан тажрибалар, тажриба ҳаракатлари ўтказиш бўлса, кўрсатмаларни ўз жойида текшириш ва воқеликда бериладиган кўрсатмаларни аввал берилган кўрсатмалар билан солиштириш ҳамда уларни воқеликка тўғри келишини аниқлашдан иборатдир. Шунга асосан, терговчи, одатга кўра, ҳеч қандай тажриба ҳаракатларини амалга оширмайди, бироқ кўрсатмалари текшириладиган шахснинг ҳаракатлари ва берган тушунтиришларига эътибор қилади, чунки айнан шу ҳаракатлар ва тушунтиришлар иш учун аҳамиятли бўлади. Баъзи бир тажриба ҳаракатлари тергов жараёнида, яъни тергов ҳаракатида ўтказилса ҳам иккинчи даражали бўлади ва кўрсатмаларни ўз жойида текширишнинг фрагментини ташкил этади.

Эксперимент ва сўроқ қилиш тергов ҳаракатлари ҳам бир-бири билан бевосита боғлиқдир, чунки кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш фақатгина сўроқ жараёнида берилган кўрсатмалар асосидагина ўтказилади.

Эксперимент ва сўроқ қилиш тергов ҳаракатлари ўртасидаги фарқлар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, ушбу тергов ҳаракатларининг мақсадлари ҳар хил. Агар экспериментнинг мақсади ўз номи билан аниқ бўлса, сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг мақсади жиноят ҳолатлари тўғрисида тўлиқ кўрсатмалар, маълумотлар олишдир.

Иккинчидан, сўроқ қилишда гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатмалар беради, экспериментда эса улар ўз ҳаракатларини мавжуд шароит ва текширилаётган жиноят ҳодисаси билан боғлиқлик ҳолатларини ёритади.

Учинчидан, агар терговчи сўроқ қилиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ ва жабрланувчига аён бўлган барча ҳолатларни баён этса, эксперимент жараёнида бевосита ҳодиса шароити, ўтказилган тажрибаларга тааллуқли саволлар беради.

Тўртинчидан, агар эксперимент тергов ҳаракати жараёни холис-лар иштирокида ўтказилса, сўроқ қилиш тергов ҳаракатида эса холис-лар иштирок этмайди¹.

Бешинчидан, эксперимент ўтказиш учун суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор чиқарса, сўроқ тергов ҳаракати процессуал ҳужжат чиқарилмасдан амалга оширилади.

Эксперимент ва ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатлари. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳаракати доимо бир жойда, яъни жиноят ҳодисаси содир бўлган жойларда ўтказилади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ташаббуси терговчида бўлади, эксперимент тергов ҳаракати эса ҳар доим ҳам воқеа содир бўлган жойда ўтказилмайди, шахс бу ҳаракатни ўтказишда ўз хоҳиши, розилиги билан иштирок этади ва ўзи билганча объектив вазиятни батафсил кўрсатиб намоёниш қилиб беради. Ушбу тергов ҳаракатларининг умумий томонларига уларнинг ҳар бирида кузатув методи мавжудлигини киритиш мумкин.

Ушбу ўхшашликларга қарамасдан эксперимент билан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатларини ажратиб турувчи жиддий фарқлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

¹ *Порубов Н.И.* Научные основы допроса на предварительном следствии. – М., 1989. –С.23.

Биринчидан, ушбу тергов ҳаракатларининг бир-биридан асосий фарқи уларнинг мақсадидадир. ЖПКнинг 135-моддасига мувофиқ, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатининг мақсади жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биналарни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечирадиган бўлса, ЖПКнинг 153-моддасига мувофиқ, эксперимент тергов ҳаракатининг мақсади бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек, ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказишидан иборат¹.

Шунга мувофиқ, терговчи ўз олдида қандай вазифа ва мақсад турганлигидан келиб чиқиб, эксперимент ёки ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатларидан бирини ўтказди.

Иккинчидан, агар экспериментда текширилаётган шахснинг иштироки мажбурий бўлса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатида эса айбланувчи, гумон қилинувчи, гувоҳ ва жабрланувчиларнинг иштироки мажбурий ҳисобланмайди, фақатгина жиноятнинг тез очилиши, тегишли далилий ашёларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида терговчи томонидан жалб қилиниши мумкин.

Учинчидан, ушбу тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида терговчининг олдида турган масалалар ҳам хилма-хил бўлади. Агар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатида ҳодиса шароити тикланса ва далилий ашёлар аниқланса, эксперимент тергов ҳаракатида эса сўроқ қилинган шахснинг кўрсатмалари тажриба ҳаракатларини ўтказиш орқали ҳодиса содир бўлган жойга, шароитга қанчалик мос ёки мос эмаслиги текширилади.

Тўртинчидан, шуни ҳам алоҳида қайд қилиш лозимки, эксперимент тергов ҳаракати фақатгина жиноят иши қўзғатилгандан сўнг ўтказилса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати жиноят иши қўзғатилмасдан ҳам ўтказилиши мумкин.

Бешинчидан, агар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишни терговчи мустақил белгиласа, эксперимент тергов ҳаракатида эса терговчи иш бўйича олинган кўрсатмаларга боғлиқ, яъни нисбий мустақилликка эга бўлади, шароит, ҳолат,

¹ Раҳмонқулов А.Х., Миренский Б.А., Камалходжаев Ж., Кадырова В.В. Жиноят процесси: Дарслик. – Т., 2004. – Б.153.

тажрибаларнинг йўналиши ва кетма-кетлигини кўрсатмалардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Эксперимент – сўроқ қилиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш ва таниб олиш учун кўрсатиш тергов ҳаракатлари каби далилий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни текшириб кўриш усулларига тааллуқлидир.

Эксперимент тергов ҳаракатини бошқа тергов ҳаракатлари билан солиштириш натижасида ва улар ўртасидаги фарқларни ўрганиб, эксперимент бир нечта тергов ҳаракатларининг элементларини ўзида мужассамлаштирувчи, ўзининг аниқловчи ва процессуал табиатига эга бўлган мустақил тергов ҳаракатидир, деган хулосага келиш мумкин.

Эксперимент, процессуал нуқтаи назардан қараганда, энг мураккаб тергов ҳаракатларидан бири. Унинг тузилиши қуйидагиларда намоён бўлади:

1) терговчи эксперимент ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади (тактик қарор);

2) ушбу тергов ҳаракатининг муайян мақсадлари ва ўтказиш тарзлари белгиланади;

3) экспериментни ўтказиш учун барча зарур шароитлар яратилади;

4) тажриба ҳаракатларини амалий тарзда қўллаш жорий этилади;

5) олинган натижалар баҳоланади.

Ушбу тизимни билиш экспериментни тўғри ўтказишга, уни режалаштиришга ва оқилона амалга оширишга асос бўла олади¹.

Экспериментнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

– воқеликда бўлган ҳаракатлар қандай ўтган бўлса, шундай ҳаракатларни эксперимент жараёнида ўтказиш лозим бўлади;

– тажрибалар воқеа содир этилганидан аввал мавжуд бўлган ҳамда тикланган шароитларда ўтказилади ва бу шароитлар воқеликда аввалги шароитларга ўхшаши керак;

– эксперимент мустақил тергов ҳаракати бўлиб, унинг баённомаси жинойт ишига доир далил бўлади.

Гарчи эксперимент баъзи бир ўтмишда бўлган ва тергов қилинаётган ҳодисага алоқадор ҳаракатлар билан боғланган ва уларни қайта намоён этишдан иборат бўлса ҳам янги жинойтни содир этиш ман этилади, чунки бунда қонунчиликка жиддий зиён етиши мумкин.

¹ Криминалистик тактика // У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 1996. –Б.151.

Инсон шаъни, кадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишга олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланади (ЖПК 17-м.).

Амалдаги жинойт-процессуал қонунчиликда эксперимент турларга бўлинмайди. Лекин илмий адабиётларда экспериментни турларга бўлиш бўйича анча ишланган тасниф мавжуд. Масалан, Н. И. Гуковскаянинг фикрича, экспериментни қуйидаги белгилардан келиб чиққан ҳолда турларга бўлиш мумкин:

1. Эшитиш имкониятини текшириш.
2. Кўра олиш имкониятини текшириш.
3. Қандайдир ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини текшириш.
4. Қандайдир ҳаракатларни муайян вақтда амалга ошириш имкониятини текшириш.
5. Муайян шахснинг махсус ёки касбий малакасини текшириш.
6. Ҳодисанинг юз берганлиги шароитлари ёки ҳолатларини текшириш¹.

Криминалистик тактика дарслиги муаллифларининг фикрича, эксперимент турларининг қуйидаги таснифини бериш мақсадга мувофиқ²:

- 1) бирор-бир факт ёки ҳодисани қабул қилиш мумкинлиги бўйича эксперимент ўтказиш;
- 2) бирор-бир ҳаракатни амалга ошириш мумкинлиги бўйича эксперимент ўтказиш;
- 3) бирор-бир факт ёки ҳодисани воқеликда мумкин бўлиши бўйича эксперимент ўтказиш;
- 4) воқеанинг механизмини ёки унинг таркибий қисмларини ва изларни вужудга келиш механизмини аниқлаш мақсадида эксперимент ўтказиш.

Бирор факт ёки ҳодисани қабул қилиш мумкинлиги бўйича экспериментни ўтказиш кўпгина ҳолатларда шахсни эшитиш ёки кўриш қобилиятига асосан бирор факт ёки ҳодисани эшитгани ёки кўрганини тасдиқлаш мақсадида, ҳақиқатдан ҳам бу факт ёки ҳодисани қабул қилишга имконияти борлиги бўйича эксперимент ўтказилади (масалан, бирор шахс ёки предметни маълум масофадан таниб олиш, муайян вазиятда одамнинг нутқини эшитиб, мазмунини тушу-

¹ Гуковская Н.И. Следственный эксперимент. – М., 1989. – С. 21.

² Криминалистик тактика: Дарслик / У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 1996. – Б.152–156.

ниш бўйича тусмолни текширишга доир). Бунда саволларга жавоб қидирганда, барча объектив йиғиндисини ҳисобга олиш зарур, чунки улар у ёки бу ҳолда қизиқтирган факт ва ҳодисаларга таъсир қилиши мумкин. Шу боис воқеликка тўғри бўлган натижаларни олиш учун ушбу экспериментларни бўлиб ўтган воқеа қаерда бўлган бўлса, ўша ерда ўтказиш зарур ва ўша воқеа қандай вақт ичида содир этилгани, ёритиш шароитлари қандай бўлгани ва объектлар орасида қандай масофа бўлгани экспериментида ҳам айнан шундай кўрсаткичлар асосида ўтказилади.

Масалан, турар жойда содир этилган ўғрилиқни тергов қилганда гувоҳ И. шунга кўрсатдики, у ўз турар жойининг кўчага қараган ойнасидан йўлакда жабрланувчининг уйдан бир кимса катта тугун билан чиққанлигини кўрган ва бу кимсани у К. деб таниган. Воқеа бўлган жойни кўздан кечирганда гувоҳ билан К. аввалдан бир-бирлари билан таниш бўлиб, ўрталарида адоват бор экан. Шунинг учун терговчида бундай узок масофада одамни таниб олиш мумкинлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган. Шунга асосан, эксперимент ўтказилди, унинг талаблари бўйича турар жой биноси йўлагидан гувоҳ И. га таниш бўлган шахслар бирма-бир чиқарилганда, И. бирор-бир одамни таниб олишга имконияти бўлмаганлиги ва унинг К. га нисбатан ёлғон кўрсатма берганлиги аниқланди¹.

Экспериментни ўтказиш учун тайёргарлик кўриш, натижалар олиш учун бевосита экспериментни ўтказиш ва олинган натижаларга баҳо беришда кишининг руҳий, жисмоний жиҳатдан қабул қилиши ҳамда эсда сақлаш қобилиятларини ҳисобга олиш зарур. Масалан, эксперимент жараёнида унинг руҳий ҳолати (чарчаганлиги, ҳаяжонда бўлиши, кўрқиши, ўзини йўқотиб қўйиши ва ҳ.к.) ва жисмоний хусусиятларига (кўриш даражасининг ўткирлиги, эшитиш даражасининг сифати, сезиш қобилияти ёки бошқа ҳиссиёт органларида бирор камчилик борлиги, шахсга мутахассислик соҳасининг таъсири ва ҳ.к.) эътибор бериш лозим. Шу билан бирга, баъзи шахсларнинг сезги органлари уларнинг иш фаолиятига боғлиқ равишда бошқа инсонларга қараганда ривожланиб кетган бўлиши мумкин. Масалан, бита жиноят иши бўйича жабрланувчи жиноятчиларнинг ташқи қиёфасини, гарчи тажовуз қоронғида содир қилинган бўлса ҳам тавсифлаш имкониятига эга бўлиб тавсифлаб беради. Шахснинг бу хусусияти унинг қоронғида яхши сезиш қобилиятига эга бўлиб, мутахассислиги

¹ Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани ИИБ тергов бўлимида тергов қилинган 01/14-5327-сонли жиноят иши.

бўйича врач-рентгенолог экан, шунга асосан, кўпинча қоронғида ишлаб юқори даражали адаптация қобилиятига эга бўлганлигини намойиш қилганлиги билан тушунтирилган. Агар одамни субъектив жиҳатдан бирор-бир нарсани кўриш, эшитиш қобилиятини текшириш зарур бўлиб қолса, у ҳолда экспериментдан аввал ушбу шахс тўғрисида тегишли маълумотлар (кўриш, эшитиш қобилиятлари тўғрисида, тиббиёт маълумотномалари, гувоҳномалар, хулосалар) олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, айнан шу қобилиятларни текшириш учун эксперимент ўтказилади. Бундай ҳужжатларни олиш эксперимент натижаларига далилий аҳамияти жиҳатидан катта ёрдам беради.

Бирор ҳаракатни амалга ошириш мумкинлиги бўйича экспериментни шу ҳаракатларнинг воқеликда бўлиш имкониятини ва (маълум тешиқдан кириб келиш, қандайдир нарсаларни олиб чиқиш ва ҳ.к.) муайян шахснинг маълум ҳаракатларини амалга ошириш учун қобилияти борлигини текшириш (қулфни калитсиз очиш ва ҳ.к.) мақсадларида ўтказилади.

Бундай эксперимент турига маълум ҳаракатга қанча вақт керак бўлишини аниқлаш, муайян шахсда тегишли жинойӣ ёки мутахассислик кўникмалари борлигини текшириш ҳам киради. Эксперимент маълум ишни маълум вақт давомида амалга ошириш мумкинлигини кўрсатиб беради.

Бирор факт ёки ҳодисанинг воқеликда мумкин бўлишига доир эксперимент ўтказиш. Юқоридаги экспериментнинг турларига қараганда бу турдаги эксперимент бўйича маълум факт, ҳодисанинг воқеликда намоён бўлиш мумкинлиги, масалан, транспорт воситасининг ҳайдовчиси маълум вақт жараёнида (вақтинчалик) қарама-қарши йўналишда келаётган автомашина нуруни фарасидан кўриш қобилиятининг даражаси паст бўлиб кетиши (яъни уни йўлни кўрмай қолиши ҳолати бўйича), маълум нарсани ёки моддани маълум шароитларда ўзидан ўзи ёниб кетишини, гумонланувчидан олинган ўқ отиш қуроли ва ўқ-дориларни биргаликда ишлатганда ўқ отилиш ҳодисаси бўлиши мумкинлиги ва ҳоказоларни текширилади.

Воқеанинг механизмини ёки унинг таркибий қисмларидан қолган изларининг қандай вужудга келганлиги бўйича эксперимент ўтказиш. Бундай эксперимент жабрланувчининг воқеа тўғрисидаги кўрсатмасини текшириш мақсадларида ўтказилади, яъни жабрланувчи воқеани қандай тавсиф этган бўлса, ўша воқеа ҳақиқатда шундай бўлганлигини билиш мақсадида ўтказилади ва бу кўрсатмалар наинки жабрланувчини, балки айбланувчини, гумонланувчини ва гувоҳни

бўлиши мумкин. Амалиётда бундай эксперимент кўпинча изларни вужудга келиш механизмини текшириш учун (тўсиқ қандай синдирилгани, объектга қандай урилгани, предмет қандай кесилгани, объект қандай ҳаракат қилгани ёки тормоз бергани, ўқотар қуролни қўлланилгани бўйича) ўтказилади¹.

Бизнинг фикримизча, эксперимент тергов ҳаракатининг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин:

1. Қандайдир воқеа ёки ҳодисани идрок қилиш бўйича эксперимент. Бу турдаги экспериментлар амалиётда кўплаб учраб туради. Кўпинча улар кўриш ёки эшитиш имкониятини текшириш мақсадида ўтказилади. Бунда кўриш ёки эшитиш имкониятларига у ёки бу даражада таъсир этган бўлиши мумкин бўлган омилларни ҳисобга олиш шарт. Бу омиллар жуда хилма-хил, шунинг учун бу турдаги экспериментларни текширилаётган ҳодиса ҳақиқатда юз берган жойда ўтказиш керак.

Бу турдаги экспериментни тайёрлаш, ўтказиш, унинг натижаларини баҳолашда сезги ва идрокнинг муайян психофизиологик қонуниятларини ҳам эътиборга олиш керак. Масалан, одамларнинг кўриш ва эшитиш қобилиятларини уларнинг физиологик хусусиятлари, ҳолати, ёши ва касб билан боғлиқ эканлигини инобатга олиш талаб этилади.

Кўриш ва эшитиш имкониятини текшириш зарур бўлганда эксперимент тайинлашдан аввал кўрсатмалари тажриба ўтказиш орқали текшириладиган шахсларнинг кўриш ва эшитиш қобилиятлари тўғрисида маълумотларни тўплаш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳужжатларнинг тўпланиши ўтказиладиган эксперимент натижаларининг далилий аҳамиятини оширишга хизмат қилади.

2. У ёки бу ҳаракатни амалга ошириш имкониятини аниқлашга қаратилган эксперимент қандайдир ҳаракатларни бажаришнинг объектив имконияти, муайян шахснинг бу ҳаракатларни қила олиш субъектив қобилиятини аниқлашнинг турли-туман ҳолларини қамраб олади. Масалан, бу турдаги экспериментни амалга ошириш орқали муайян шахснинг маълум бир ишни қила олиш, муайян ўлчамдаги тешиқдан қандайдир бинога кира олиш ва қандайдир бошқа нарсаларни ташиб кетиш имкониятлари аниқланади.

3. Қандайдир воқеа, ҳодисанинг бўлиш имкониятини аниқлаш бўйича эксперимент. Бу турдаги эксперимент давомида қандайдир хатти-ҳаракат ёки бирор-бир нарсани кўриш имкониятлари эмас,

¹ Криминалистик тактика: Дарслик / У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 1996. – Б.152–156.

балки муайян воқеа-ҳодисанинг бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслиги текширилади.

4. Воқеа йўсинини ёки унинг айрим тафсилотларини аниқлашга қаратилган эксперимент терговчида воқеа жабрланувчи, айбланувчи ва бошқалар тасвирлаган тарзда бўлганлигига шубҳа бўлганида ўтказилади. Мазкур экспериментал тадқиқот мавзуини яхлит ҳодиса ҳам, унинг айрим тафсилотлари ҳам ташкил этиши мумкин.

5. У ёки бу ҳаракатга сарфлаш зарур бўлган вақтни аниқлаш бўйича эксперимент. Бундай экспериментни алоҳида турга ажратишнинг боиси шундаки, баъзан бирор-бир ҳаракатларни амалга ошириш мумкинлигига шубҳа туғилмайди, балки уларни муайян аниқ чегараланган вақт давомида амалга ошириш (масалан дурадгорнинг бир иш куни давомида муайян миқдордаги ошхона столларини ясай олиши мумкинлиги) шубҳа туғдиради. Ушбу турдаги экспериментлар ёрдамида белгиланган вақт давомида муайян ҳаракатларни амалга ошириш имкониятини аниқлаш мумкин.

2. ЭКСПЕРИМЕНТ ЎТКАЗИШ АСОСЛАРИ ВА ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ

Жиноят содир этилган шароитни тиклашнинг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Жиноят-процессуал кодекси ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларининг асосий кафолатлари бўлган ҳуқуқий қоидалар ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида мамлакатимиз ҳудудида жиноят ишларини юритишнинг асосий принциплари, қоидалари, тартиби ва жиноят ишлари бўйича иш юритувиغا жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш талаблари қайд этилган.

Жиноят содир этилган шароитни тиклашнинг энг муҳим элементлари унинг асослари ҳисобланади, яъни улар ҳаракатнинг мақсадини, ахборот олиниши мумкин бўлган манбалар доирасини ва уни олиш (мақсадга эришиш) имконияти тўғрисидаги хулосалар учун зарур маълумотлар ҳажмини белгиловчи кўрсатмалар мажмуасини ташкил қилади. Терговчининг тегишли ҳаракатларни қилиш-қилмасликка доир қарори, шунингдек, тергов ҳаракатини тўғри танлаш ушбу кўрсатмаларнинг аниқлигига боғлиқ. Қабул қилинган қарорларнинг асосланганлиги, ўз навбатида, дастлабки тергов ҳаракатларининг муҳим омили ва шахс дахлсизлигига доир конституциявий талабларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Экспериментни ўтказишнинг асослари амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда ифодаланган. Ҳар қандай тергов ҳаракатининг ички тузилиши ҳуқуқий шаклдаги тадқиқот ва билиш операцияларидан иборат мураккаб хусусиятга эга.

Эксперимент ўтказишнинг ҳуқуқий негизлари ва ҳуқуқий асослари илмий адабиётларда тўлиқ ўрганилмаган. Асос деганда мазкур тергов ҳаракатини амалга оширишнинг зарурлиги ва мумкинлигидан далолат берувчи жиҳатларини тушуниш керак¹.

Эксперимент ўтказишнинг зарурлиги муайян хатти-ҳаракатларни, муайян шароитларда ва муайян тарзда амалга ошириш мумкинлигига (қандайдир ҳодиса, воқеанинг имконияти) шубҳа туғдирадиган жиҳатлар билан белгиланади. Масалан, терговчида айбланувчининг

¹ *Миразов Д.М.* Жиноят содир этиш шароит ва ҳолатларини тиклаш – жиноят иши бўйича далилларнинг муҳим манбаи. – Т., 1997. – Б.14.

жиноят содир бўлган жойдан қочиб яшириниш мақсадида анча баланд девордан нарвон, тахта каби воситаларни қўлламаздан ўтганлиги тўғрисидаги кўрсатмалари шубҳа туғдирди. Терговчининг ихтиёрида буни тасдиқловчи далиллар йўқ бўлганлиги, деворнинг баландлиги, айбланувчининг бўйи ва ёши каби жиҳатлари бу кўрсатмаларнинг ҳаққонийлигига шубҳа туғдирди. Кўрсатмаларни текшириш мақсадида айбланувчининг чиндан ҳам ҳеч бир воситасиз девордан ошиб ўтиб, жиноят содир бўлган жойдан яшириниши мумкинлиги имкониятини текшириш мақсадида терговчи эксперимент ўтказди.

Муайян хатти-ҳаракатлар ёки воқеаларнинг бўлиши учун шарт-шароит яратишга, шунингдек, текширилаётган хатти-ҳаракатларнинг (воқеа-ҳодисаларнинг) бўлишига имконияти борлигини тасдиқловчи жиҳатлар эксперимент ўтказиш мумкинлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради. Бундай жиҳатларга, масалан, катталиги ва ҳажми жиҳатидан ўғирланган телевизорлар коробкаларини топиш ёки ясаш мумкинлиги, шу коробкалар олиб чиқилган эшик ёки тўйнуқларнинг мавжудлиги, уларнинг ўлчамларининг аниқлиги ва бошқаларни кириштириш мумкин.

Мазкур тергов ҳаракатини, яъни экспериментни ўтказиш мумкинлигидан далолат берувчи жиҳатларни аниқлаш давомида ЖПКнинг 154-моддаси 2-қисмида ўзининг аксини топган «Эксперимент жамоат тартиби ёки ахлоқ нормалари бузилишига олиб келадиган бўлса, унинг ўтказилишига йўл қўйилмайди», деган қондасини ёдда тутиш керак. Эксперимент натижасида фуқаролар, корхоналар ва муассасалар, ташкилотларга мулкӣ зарар етказилиши, ишлаб чиқариш тартибининг, транспорт воситалари ҳаракатининг бузилиши ва бошқа ноҳуш оқибатларнинг келиб чиқиши эҳтимоли бўлса, суриштирувчи, терговчининг эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарорига прокурорнинг рухсати бўлиши лозим (ЖПК 154-м. 1-б.).

Эксперимент бошқа тергов ҳаракатларига қараганда кўпроқ иштирокчиларни жалб этишни, зарур материаллар ва реквизитларни танлаб олишни, турли вариантларда кўп маротаба тажрибалар ўтказишни талаб этади. Аммо эришилган натижалар ҳар доим ҳам қатъий хулосага келишга имкон бермайди. Терговчи буларнинг ҳаммасини эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш вақтида ҳисобга олиши шарт. ШУ боис иш учун аҳамиятли маълумотлар оддийроқ усуллар билан, бошқа тергов ҳаракатлари ёрдамида аниқланиши мумкин бўлса, энг аввало, ана шу усул ва ҳаракатлардан фойдаланган маъқул.

Эксперимент қатнашчилари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, уни терговчи, суриштирувчи ёки суд ўтказишини алоҳида таъкидлаш лозим (ЖПК 153-м). Терговчи экспериментни ўтказиш тўғрисида тактик қарор қабул қилиб, бу тергов ҳаракатида иштирок этиш учун кимни жалб қилишни, тажрибалар мазмунини, уларни ўтказиш шароитлари ва тартибини, эксперимент ўтказиш учун тайёргарлик кўриш ва ташкилий чоралар йиғиндисини ҳал этади, эксперимент жараёнига бошчилик қилиб, тегишли баённомани расмийлаштиради. Экспериментнинг мажбурий қатнашчилари холислардир. Тажрибаларнинг мазмунига қараб, уларнинг мураккаблигига назар солиб, холисларнинг сони кўпайиши мумкин. Зарур ҳолатларда терговчи ҳодисалар сифатида маълум мутахассислик соҳасига эга шахсларни таклиф қилиши мумкин (масалан, жиноят иши йўл-транспорт ҳаракатларини бузиш факти бўйича қўзғатилган бўлса, ҳайдовчиларни).

Жабрланувчи, гувоҳ, гумонланувчи, айбланувчиларнинг кўрсатмаларини текшириш мақсадида эксперимент ўтказилганда улар ҳам экспериментнинг қатнашчилари сифатида иштирок қилишлари мумкин. Бундай шахслар экспериментни ўтказишда жиноят иши бўйича муҳим бўлган ҳолатларни янада тавсифлашга, маълум ҳаракатларни очикдан-очик амалга ошириш мумкинми ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилишга ва кўрсатмалар берилган фактлар ҳақиқатдан ҳам воқеликда бўлган ёки бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилишлари мумкин. Бир қатор ҳолатларда, масалан, гумонланувчининг маълум мутахассислик кўникмалари борлиги ёки йўқлигини текширишда, воқеа жойини тиклаш мақсадида ўтказилган экспериментда ёки тажрибаларни амалга ошириш учун шароитларни тиклаш бўйича ўтказилган экспериментда бундай шахсларнинг иштирокисиз тергов экспериментини ўтказиш мумкин бўлмайди.

Агар экспериментга гувоҳларни, жабрланувчиларни, гумонланувчиларни, айбланувчиларнинг ўрнига бошқа шахсларни жалб этиш тўғри келиб қолган бўлса, у ҳолда бу шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари (яъни ёши, вазни, кўриш қобилияти, эшитиш қобилияти бўйича ва ҳ.к.) юқоридаги қатнашчилардан фарқ қилмаслиги лозим.

Зарур бўлса, экспериментда иштирок қилиш учун мутахассис, эксперт, муаллим, вояга етмаган шахс, унинг қонуний вакиллари, гумонланувчининг, айбланувчининг ҳимоячиси таклиф этилиши мумкин. Масалан, мутахассис терговчига тажрибаларни ташкил этишда зарурий материалларни, восита ва реквизитларни танлашда ёрдам бериши, терговчининг топшириғи бўйича кино, видеога олиши,

муаллим ва қонуний вакиллар эса терговчига вояга етмаган гувоҳ билан руҳий алоқа ўрнатишга (вояга етмаган жабрланувчи билан ҳам шундай алоқани ўрнатишда¹) ёрдам бериши мумкин. Шунингдек, у ҳимоячи, айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига риоя қилиниши жараёнига, тергов эксперименти ўтказилганда назорат қилишга ва шахсинг айбсизлигини ёки айбини юмшатувчи ҳолатларни қайд қилишга ҳамда терговчининг эътиборини ушбу ҳолатларга қаратишга ҳаракат қилади.

Ниҳоят, эксперимент қатнашчилари сифатида бошқа шахслар ҳам таклиф қилиниши мумкин, улар терговчининг талаби бўйича маълум тажрибалар ўтказишда ёрдам берадилар. Улар терговчи ва холис-лардан фарқ қилиб, экспериментнинг мажбурий иштирокчиси ҳисобланмайдилар.

Дастлабки терговда эксперимент ўтказганда маънавий талабларга риоя қилиш лозим. Масалан, эксперимент йўли билан босқинчилик бўлган пайтдаги жабрланувчининг руҳий ҳолатини тиклаш ёки айбланувчининг жиноят содир этгандаги руҳий ҳолатини қайта тиклаш мумкин эмас. Жиноятни содир этишда вужудга келадиган руҳий жараён ва эксперимент вақтида вужудга келадиган руҳий жараёнлар орасида жуда катта фарқ бор. Шунинг учун экспериментни ўтказганда бундай ҳолатларни ҳисобга олиш зарур, акс ҳолда тергов экспериментларининг натижаларини нотўғри баҳолаш факти юзага келади.

Эксперимент ўтказиш жиддий тайёргарликни талаб қилади. Бу тайёргарлик икки босқичдан иборат бўлади. Биринчи босқич экспериментнинг мақсадини белгилаш, уни амалга оширишнинг асослари ва шароитлари, ҳолатни воқеликда жиноят содир бўлишидан олдинги ҳолатга келтириш (тиклаш) имкониятини ўз ичига олади. Зарур ҳолатларда терговчи мутахассислар билан маслаҳатлашади, махсус адабиётларни ўрганади, тегишли ҳужжатлар билан танишади, тажриба ўтказиш учун техник воситалар ва бошқа керакли предметларни тайёрлайди.

Экспериментга тайёргарлик кўришнинг муҳим элементи ва унинг ўтказилишини таъминлашга асос бўладиган омил – жойини ва ўтказиш вақтини белгилаш. Экспериментни ўтказиш жойи унинг мақсади ва тажрибаларнинг таърифига қараб белгиланади. Бу воқеа содир бўлган жой, хона ёки терговчининг хизмат хонаси бўлиши мумкин.

¹ Аниқроқ қаранг: *Кулахметов А.Б.* Прекращение уголовного дела с передачей материалов в комиссию по делам несовершеннолетних: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Т., 1997. – 23 с.

Экспериментнинг вақти эса бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш учун барча керакли бўлган маълумотлар йиғилиб, уни ўтказиш учун жиноятдан олдинги шароитлар сақланиб қолинган ёки қайтадан тикланган бўлса, уларнинг кетма-кетлиги билан белгиланади. Эксперимент ўтказишнинг аниқ куни ёки соатини белгилаш унинг мақсади ва тажрибаларнинг мазмунига боғлиқ. Масалан, гувоҳнинг кечки пайт ёруғ бўлмаган кўчада гумон қилинувчини таний олиши мумкинлигини текшириш мақсадидаги экспериментни айнан шу вақтда ва шундай жойда ўтказиш керак.

Тайёргарлик кўриш босқичида терговчи тажрибанинг мазмунини, уни амалга оширишнинг асосий шароитлари, қатнашувчилар доирасини белгилайди.

Эксперимент ўтказиш учун зарур бўлган ҳаракатлардан бири – тергов ҳаракатини режалаштиришдир. Экспериментнинг режаси барча асосий саволларни ва уни ўтказиш шароитларини қайд этиши лозим (тажрибанинг қандай турини ўтказиш кераклиги, уларнинг сони қанча бўлиши лозимлиги, тажрибанинг давомийлиги, ўтказиш вақти ва жойи, қатнашувчиларнинг сони, уларнинг жойлашиши ва бурчлари, қатнашувчилар орасидаги алоқа воситалари ҳамда тажрибалар ўтказишда қўлланиладиган техник воситалар, тегишли техник ускуналар ва ҳ.к.).

Иккинчи босқичда (яъни экспериментни ўтказиш жойига чиққандан сўнг) терговчи эксперимент ўтказиш жойида бирор-бир ўзгариш бўлган-бўлмаганлигини текширади ва шунга асосан уни тиклаш зарурлигини аниқлайди, барча керакли восита ва предметлар борлигини текширади ҳамда тегишли шахсларга эксперимент жойини кўриқлаш тўғрисида топшириқ беради, барча қатнашувчилар йиғилганлигини текширади, шунингдек холисларнинг иштирокини таъминлайди, эксперимент қатнашчиларига унинг мақсади, шароитлари, мазмуни, ҳаракатларнинг кетма-кетлиги ва мазмуни тўғрисида йўл-йўриқ беради.

Амалдаги ЖПК, суд-тергов амалиёти, жиноят процессининг қонунқоидалари эксперимент ўтказиш тартибининг процессуал ва тактик шарт-шароитлари сифатида қуйидагиларни кўрсатишга имкон беради:

- 1) эксперимент ўтказиш тўғрисида қарор, ажрим чиқариш;
- 2) экспериментни ташкил этувчи ва ўтказувчи шахсининг, шунингдек, холисларнинг иштирок этиши;
- 3) тергов ўтказувчи шахс – терговчи, суд томонидан таклиф этиш зарур деб топиладиган шахсларнинг экспериментда иштирок этиши;

4) тергов ҳаракати, яъни эксперимент иштирокчилари миқдорининг чекланганлиги;

5) жамоат тартиби ёки ахлоқ нормалари бузишга йўл қўйиб бўлмаслик;

6) экспериментда текширилаётган ҳаракатлар юз берган шароитларга иложи борича ўхшаш шароитларда ўтказилиши;

7) эксперимент давомида ҳақиқатда мавжуд бўлган ҳаракатларга иложи борича ўхшаш тажрибавий ҳаракатларни ўтказиш;

8) экспериментнинг алоҳида босқичлари ўтказилиши тартиби ва кетма-кетлигини аниқлаш;

9) тажрибаларнинг кўплаб ўтказилиши;

10) баённома тузиш.

Дастлабки терговда эксперимент ўтказишнинг ана шу процессуал ва тактик ҳаракатларини батафсил қараб чиқамиз.

1. Эксперимент ўтказиш тўғрисида қарор, ажрим чиқариш. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 154-моддасида терговчининг қарори ёки суднинг ажрими бўйича эксперимент ўтказилиш тўғрисида қайд этилган. Агар эксперимент фуқароларга, ташкилотларга мулкӣ зиён етказилишига, ишлаб чиқариш режими, транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг ўзгаришига, бошқа ноқулай оқибатларга олиб келиши эҳтимоли бўлса, суриштирувчи, терговчининг қарорига прокурорнинг санкциясини олиш керак бўлади.

2. Экспериментни ташкил этувчи ва ўтказувчи шахсининг, шунингдек, холисларнинг иштирок этиши. Экспериментни ташкил этувчи ва ўтказувчи шахс, одатда, терговчи бўлади. Терговчининг эксперимент ўтказишдаги ҳуқуқӣ ҳолатини таърифлаганда, шунини алоҳида таъкидлаш керакки, терговчи жиноят ишини тергов қилиш давомида, хусусан ушбу тергов ҳаракатини амалга ошириш жараёнида олдида турадиган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга имкон берадиган катта ваколатларга эга.

Эксперимент ўтказишда холисларнинг роли ўзлари қатнашган ҳаракатларнинг бўлганлигини, мазмуни ва натижаларини тасдиқлашдан иборат. Холис ҳаракатларни ўтказиш юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришга ҳақли. Холисининг мулоҳазалари ушбу тергов ҳаракати, яъни экспериментнинг баённомасида қайд этилиши керак.

3. Терговни ташкил этадиган ва ўтказадиган шахс таклиф этиш зарур деб топган шахсларнинг эксперимент ўтказишда қатнашиши. Аксарият вазиятларда эксперимент айбланувчи ёки гумон қилинувчининг кўрсатмаларини текшириш учун ўтказилади. Айбланувчи ёки

гумон қилинувчининг эксперимент ўтказишда иштироки турлича бўлиши мумкин: айрим ҳолларда улар экспериментда ҳозир бўладилар, холос; бошқа ҳолларда эса ўзлари тажриба вазифаларини бажарадилар. Айбланувчи ёки гумон қилинувчи экспериментда қатнашиши даражасини белгилашда терговчи доимо уларнинг ушбу иш натижасидан ва бинобарин, экспериментнинг у ёки бу натижаларидан ҳам манфаатдорлигини эсдан чиқармаслиги керак.

Терговчи айбланувчи ёки гумон қилинувчининг экспериментда қатнашиши мажбурий эмаслигини назарда тутиш керак. Айбланувчи ёки гумон қилинувчининг экспериментда қатнашишдан бош тортиши ушбу тергов ҳаракатини ўтказишга монелик қилмайди.

Экспериментда қатнашувчи гувоҳ ва жабрланувчининг ҳуқуқий мавқеи юқоридагиларникига анча ўхшашлиги боис уларнинг кўрсатмалари ҳам шу тарика текширилади. Лекин қонун уларни эксперимент ўтказишда қатнашишга мажбур этади, яъни улар кўрсатма беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантириладилар. Терговчи уларнинг иштироки ҳақиқатни аниқлаш учун зарур деб ҳисобласа, гувоҳни ҳам жабрланувчини ҳам бунга ишонтириши мумкин ва шарт.

Эксперимент ўтказишда, шунингдек, педагог ҳамда вояга етмаган гувоҳнинг, жабрланувчининг қонуний вакиллари ҳам иштирок этиши мумкин. Эксперимент ўтказишда қатнашаётган педагог, вояга етмаган гувоҳнинг (жабрланувчининг) қонуний вакиллари ва яқин қариндошлари терговчига у билан алоқа ўрнатишга, унинг тушунтиришларини англаб олишга ёрдам бера оладилар.

4. Эксперимент қатнашчиларининг чекланган миқдори. Эксперимент иштирокчилари миқдорини асоссиз равишда кўпайтириб юбориш уни ўтказишни қийинлаштириши, тажрибанинг аниқлигига таъсир кўрсатиши мумкин. Терговчи экспериментда иштирок этиши зарур бўлган шахсларнигина таклиф этиши керак. Иштирокчиларни жиноят ишининг барча жиҳатлари билан таништириш шарт эмаслигини назарда тутиш муҳим. Улар экспериментдан кўзланган мақсад, унинг шарт-шароитлари, бориши ва натижалари билангина таништирилиши керак.

5. Жамоат тартиби ёки ахлоқ қоидаларини бузишга йўл қўйилмаслиги. Ушбу шарт оғишмай бажарилгандагина кўриб чиқиладиган тергов ҳаракати далилай аҳамият касб этади. Жиноят процессининг мақсадлари ҳар қандай усуллар билан амалга оширилмаслиги керак. Агар шулар натижасида жамоат тартиби ва ахлоқ қоидалари бузила-

диган бўлса, эксперимент ўтказиш мумкин эмас, ҳатто дастлабки тергов ўтказишда ҳам қонунларнинг бузилишига йўл қўйилмайди.

6. Экспериментни текшириладиган ҳаракатлар (воқеа, ҳодиса) содир бўлган шароитларга иложи борича ўхшаш шароитларда ўтказиш. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 153-моддаси 1-қисмига мувофиқ, эксперимент аниқланаётган ҳодиса ҳаракатлари, шароитлари ёки бошқа жиҳатларини тиклаш йўли билан ўтказилади. Экспериментни текшириладиган ҳаракатлар (воқеалар) юз берган шароитларга иложи борича ўхшаш шароитларда ўтказиш олинмаган натижалар тўғрилигининг муҳим қафолатидир. Эксперимент ўтказишда ўзгарган ва тиклаб бўлмайдиган ҳолатлар албатта инобатга олинади.

7. Эксперимент жараёнида ҳақиқатда мавжуд бўлган хатти-ҳаракатларга иложи борича ўхшаш тажрибавий ҳаракатларни ўтказиш. Амалга ошириладиган ҳаракатларнинг текшириладиган ҳаракатларга иложи борича ўхшаш бўлишига, хусусан, уларнинг текшириладиган ҳаракатлар содир этилган жойнинг ўзида, амалда фойдаланилган нарсалар билан бажарилиши орқали эришилади.

Албатта, амалда ишлатилган нарсаларнинг айнан ўзидан фойдаланган маъқулроқ. Бироқ, уларни экспертизага юбориш зарур бўлиб қолиши эҳтимолдан йироқ эмас. Бундай нарсалардан эксперимент вақтида фойдаланиш уларнинг кўриниши ва шаклини ўзгартириш, экспертнинг хулосаларига таъсир этиши мумкин. Бундай вазиятларда ҳақиқий нарсаларни ўхшаши билан алмаштирган маъқул.

Жиноий хусусиятга эга ҳамда атрофдагиларга зиён етказиш мумкин бўлган ҳаракатларни тиклашга йўл қўйиб бўлмайди.

8. Эксперимент ўтказишнинг айрим фактлар тартиби ва кетма-кетлигини белгилаш. Терговчи эксперимент ўтказишдан аввал муайян шахс кўрсатмаларидан келиб чиқиб, текширилиши керак бўлган ҳаракатларнинг кетма-кетлигини билади ёки тахмин қилади. Эксперимент давомида олинган маълумотлар ҳақиқатда бўлган кетма-кетликка, изчилликка риоя этилгандагина тўғри бўлади.

Баъзан терговчи бирор ҳодисанинг содир бўлиш йўсинини муфассал аниқлаш учун эксперимент ўтказишни босқичларга бўлишига тўғри келади. Терговчи барча босқичлардаги тажрибаларнинг натижаларини умумлаштириб, ҳодиса тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилади.

Агар эксперимент ўтказишда тажрибавий ҳаракатларни бажариш суръати катта аҳамият касб этса, уни босқичларга бўлишининг ҳожати йўқ, бироқ бунда ҳам тажрибавий ҳаракатларнинг кетма-кетлиги текшириладиган ҳаракатлар кетма-кетлигига мос келиши керак. Ушбу шартга риоя этиш эксперимент натижаларининг тўғрилиги қафолатидир.

9. Тажрибалар ўтказишнинг кўп марталиги. Эксперимент давомида ўтказиладиган тажрибалар миқдорини терговчи белгилайди.

Бир турдаги тажрибаларни тасодифий натижалардан холи бўлиш учун бир неча марта такрорлаш керак. Бунда тажриба ўтказиш шарт-шароитлари ўзгармасдан қолиши лозим.

10. Ўтказилган эксперимент тўғрисида баённома тузиш. Эксперимент баённомаси иш учун муҳим бўлган ҳақиқий далилларни мустаҳкамлаш усули бўлиб, далилий аҳамиятга эга. Эксперимент давомида олинган бирон ҳодисага доир маълумотларни баённома тарзда мустаҳкамламасдан туриб, ундан исботлаш жараёнида на терговчи, на суриштирувнинг бошқа иштирокчиси фойдалана олади.

Эксперимент Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 155-моддасида кўрсатилган тартибда ўтказилади.

Амалдаги ЖПКнинг 153-моддасига асосан, суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатмаларини, бошқа далилларни, шунингдек, иш юзасидан қилинган тусмол, текширилаётган ҳодисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишга ҳақлидир. Эксперимент бирор ҳодисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ҳодисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек ҳодисанинг юз бериш ва изларнинг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказилади.

Амалиётда мавжуд тартиб бўйича эксперимент ўтказиш учун суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Эксперимент натижасида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мулкӣ зарар етказилиши, ишлаб чиқариш тартиботининг, транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг бузилиши ва бошқа нохуш оқибатларнинг келиб чиқиши эҳтимоли бўлса, суриштирувчининг, терговчининг бундай эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарорига прокурор санкция бериши лозим. Бошқа ҳолларда прокурорнинг санкцияси талаб этилмайди. Эксперимент жамоат тартиби ёки ахлоқ нормаларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, уни ўтказишга йўл қўйилмайди. Уни эксперт ўтказадиган бўлса, бундай эксперимент суд экспертизасининг таркибий қисми ҳисобланади.

Экспериментни суриштирувчи ёки терговчи ўтказганда холисларнинг иштирок этиши шарт. Суд эса экспериментни тарафлар иштирокида ўтказди.

Бундан ташқари, эксперимент ўтказишга мутахассис ва эксперт, шунингдек тажриба ҳаракатларини олиб боровчи шахслар жалб қили-

ниши мумкин. Мураккаб экспериментлар камида икки нафар холис ва бир неча мутахассис иштирокида ўтказилиши мумкин. Эксперимент ўтказишга, шунингдек кўрсатмалари текширилиши лозим бўлган шахслар ҳам жалб қилиниши лозим. Бунда гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатма беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлғон кўрсатма берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши шарт. Эксперимент иштирокчиларига унинг мақсади ва ўтказилиш тартиби тушунтирилади.

Тажриба ҳаракатларини ўтказишдан олдин ўрганилаётган ҳодиса шароитлари текширилаётган кўрсатма ёки тусмолларга мувофиқ тўлиқ тикланган бўлиши лозим. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ўзи қатнашган ёки шоҳиди бўлган ҳодисанинг шароит ва ҳолатларини тиклаш таклиф қилиниши мумкин. Сўнгра суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли тажриба ҳаракатларини ўтказди, шу мақсадда ўлчаш, фотосуратга тушириш, кинотасвирга олиш, овоз ёзиш, видеоёзув, режа, схема ва чизмалар тузиш, экспериментал қолиплар ва изларнинг нусхаларини тайёрлаш мумкин¹.

Эксперимент ўтказиш шароити тикланаётган ҳаракат ёки ҳодисалар юз берган шароитга иложи борича ўхшаш бўлиши лозим. Тажрибалар имкон борича бир неча марта ўтказилади. Тажрибаларнинг шароитлари ўзгартирилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, мутахассис ва экспертга эксперимент ўтказиш билан боғлиқ савол берилиши мумкин. Бунда суднинг ижозати билан экспериментда иштирок этаётган шахсларга тарафлар ҳам савол бериши мумкин. Тарафлар ва экспериментда иштирок этаётган бошқа шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолатларга қаратишга, эксперимент шароитига аниқлик киритиш ва тажриба ҳаракатларини такрорлашни талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатмаси текширилаётган шахс эксперимент муносабати билан ўзининг қўшимча сўроқ қилинишини талаб қилиши мумкин.

Айрим турдаги экспериментни амалга ошириш имконияти унинг асосий иштирокчиларининг иродаси, тайёргарлиги, манфаатдорлигига боғлиқ. бўлади Хусусан, бир қатор ҳолларда эксперимент айбланувчининг иштирокчини (масалан, унинг жиноий малакаси бор-йўқ-

¹ Миренский Б.А., Раҳмонқулов А.Х., Кадырова В.В. ва бошқ. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессии: Дарслик. – Т., 2012. – Б.154.

лигини аниқлаш мақсадида) тақозо этади. Агар айбланувчи экспериментда қатнашишдан бош тортса, уни амалга оширишнинг иложи бўлмайди. Эксперимент давомида айбланувчи, жабрланувчи, агар муайян манфаати бўлса, ҳаракатларнинг хусусиятини ўзгартириш, масалан, ўз малака ва маҳоратларини атайин кўрсатмасликлари, бирорта ходисани тўғри идрок этиш имкониятини яшириши мумкин. Табиийки, бундай тажриба натижасида олинган маълумотлар иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ёрдам бермайди.

Дастлабки тергов органлари ходимларининг эксперимент ўтказиш асосларини яхши билишлари куч ва маблағларни кераксиз сарфламамасликларига, улар томонидан республика фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари янада яхшироқ таъминланишига хизмат қилади.

3. ЭКСПЕРИМЕНТ ТАКТИКАСИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Дастлабки тергов жараёнида эксперимент ўтказиш тактикаси унинг тури, мақсади, тажрибаларнинг мазмуни, вужудга келган тергов ҳолатига боғлиқ. Эксперимент ўтказишнинг умумий тактик шароитлари сифатида қуйидагилар хизмат қилади:

1. Текшириладиган воқеа-ҳодисанинг ҳаракатлари айнан шу воқеа ва ҳодисага мансуб бўлган шароит ва ҳолатда ўтказилиши, яъни эксперимент жараёнида ўтказиладиган ҳаракатлар воқеа ва ҳодисага мансуб бўлган ҳаракатларга ўхшаб шароитлари айнан бир хил бўлиши керак. Шунини эсда тутиш лозимки, қандайдир бир ҳаракатни, воқеанинг ҳолатини узил-кесил тиклаш қийин. Бироқ, шу воқеа ёки ҳодисага ўхшаш шароитларни вужудга келтириш мумкин. Дастлабки терговда экспериментни ҳодиса содир бўлганга ўхшаш шароитларда амалга оширилиши ҳақиқатни аниқлашга кафолат беради. Шунинг учун эксперимент текшириладиган воқеа қандай вақтда содир бўлган бўлса, айнан шу вақтда ўтказилади, ҳодиса пайтида қандай қуроллар ишлатилган бўлса, эксперимент ўтказиш жараёнида ана шундай қуроллар ва предметлар ишлатилади. Аммо воқеанинг барча шароитларини вужудга келтириш мушкул ва кўпинча, бунга зарурат ҳам туғилмайди.

Бу талаб қуйидагилар билан белгиланади:

1) ҳодиса содир бўлган вақт, ёруғлик даражаси ва воқеанинг бошқа омилларини ҳисобга олиниши ва эксперимент ўтказиладиган вақт, ёруғлик даражаси, жойи ва бошқа омиллари бўлиб ўтган ҳодисанинг барча ҳолатларига муносиб бўлиши лозим. Тергов амалиётида тажрибаларни ўтказиш вақти муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги ва экспериментнинг натижаларига катта таъсир кўрсатганлиги тўғрисида жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, куннинг кўпинча кўриш ва эшитиш шароитлари эксперимент ўтказиш жараёнида ҳисобга олиниши шарт бўлган омил ҳисобланади. Агар гувоҳ кечки пайтда гумонланувчини ўз уйининг деразасидан кўрганлиги ҳақида кўрсатма берса, у ҳолда гумон қилинувчини таниб олиш имкониятини аниқлаш бўйича эксперимент ўтказиш учун айна кечки пайтни пойлаш лозим бўлади, чунки айнан шу пайт экспериментнинг шароитлари билан узвий боғлиқдир;

2) тажрибалар текшириладиган воқеа қаерда содир бўлган бўлса, айнан ўша ерда ўтказилиши керак. Масалан, гувоҳ истироҳат боғи

олдида бақир-чақирларни ва ўқ отилганлиги овози эшитди. Табиийки, бақир-чақир ва отилган ўқ овозини эшитиш бўйича эксперимент ўтказиладиган бўлса, у ҳолда айнан шу воқеа жойида ушбу ҳаракатларни қайта вужудга келтириш лозим. Бундан ташқари, гувоҳ бўлган жой ҳам эксперимент ўтказиш чегаралари доирасига киритилади. Шундай ҳолатлар бўладики, бунда эксперимент ўтказишнинг жойи, унинг натижалари учун муҳим аҳамият касб этмайди (масалан, одамнинг маълум маҳорат ва кўникмалари борлигини текшириш керак бўлганида) ёки тажрибаларни айнан воқеа содир бўлган жойида ўтказиш объектив омилларга кўра мумкин бўлмай қолди.

3) текшириладиган воқеада қандай предметлар, қуроллар, асбоблар ишлатилган бўлса, тегишли тажриба ўтказиш учун ҳам айна шу қуроллар, предметлар, асбоблар ишлатилиши лозим. Шунга асосан эксперимент жараёнида далилий ашё бўлмиш предметларни ишлатиш қоидалари шундан иборатки, агар бу предметлар эксперимент натижасида зарар кўрмаса, йўқ бўлиб кетмаса ва ўзининг далилий аҳамиятини йўқотмаса, у ҳолда уларни эксперимент жараёнида ишлатиш мумкин. Акс ҳолда сифати бўйича уларга ўхшаш бўлган предметлар ва қуролларни ишлатиш керак;

4) текшириладиган ҳодиса содир бўлган вақтдаги об-ҳаво, табиий ёки сунъий ёритиш воситалари ва товуш шароитлари қандай бўлса, тергов экспериментини ўтказиш вақтида ҳам айнан шундай ҳолат бўлиши талаб этилади.

2. Эксперимент ўтказишнинг муҳим тактик шартларидан бири – тажриба ўтказиш учун ҳолатни тиклаш (реконструкция қилиш), яъни ҳодисадан олдин мавжуд бўлган моддий, ашёвий ҳолатни, предметларни тиклаш ва уларни танлаш воқеада ишлатилган предметларга ўхшаш бўлиши лозим. Баъзи пайтларда жиноят содир бўлгандан сўнг воқеа содир бўлган жойи жуда катта ўзгаришларга учраган бўлади. Масалан, йўл, агар у ерда жиноят содир бўлган бўлса, таъмирланган, турар жойдаги мебел, агар у ерда қотиллик содир бўлган бўлса, бир жойдан бошқа жойга кўчирилган бўлади. Ўғирлик содир бўлган жойида янада мустаҳкам кулф ўрнатилган, сигнализация ва кўриқлаш воситалари қурилган бўлади ва ҳоказо. Тажрибаларни бундай ўзгарган шароитларда ўтказиш нотўғри бўлади ва воқеликка умуман номутаносиб натижаларга олиб келади ҳамда экспериментнинг мақсадига эришиш қийинлашади, баъзан эса умуман эришилмайди. Бундай вазиятда тиклаш ҳаракатларини амалга ошириш, яъни жиноятдан аввалги ҳолатни вужудга келтириш керак. Тиклаш жараёнида жиноят-

дан аввалги дастлабки ҳолатни яратиш, зарур бўлган предмет ва қуролларни тиклаш тақозо этилади.

3. Экспериментда текшириладиган воқеа жараёнида қандай ҳаракатлар амалга оширилган бўлса, шундай тажриба ҳаракатларини ўтказиш керак. Экспериментни ўтказиш вақтида хатоларни бартараф этиш учун терговчи текшириладиган ҳаракатлар, уларнинг асосий шароитлари тўғрисида барча аҳамиятга эга маълумотларни билиши ва уларга эга бўлиши лозим. Масалан, автомашинани тўсатдан чиқиб қолган объектдан қанчалик узоқ масофада тўхтатиш мумкинлигини аниқлаш бўйича эксперимент ўтказганда автомобилнинг маркасини, унинг мотори ва тормозланиш қисмининг ҳолатини, йўлнинг юза қисми таърифини, автомашина текшириладиган жараёнда қандай тезлик билан юрганлигини, шунингдек ҳайдовчининг мутахассислигини, малака даражасини, ёшини, руҳий ва жисмоний ҳолати ва бошқаларни билиш керак. Ушбу тактик талабга тўлиқ риоя қилиш мақсадида, тажрибалар, тажриба ҳаракатлари текшириладиган воқеада содир этилган ҳаракатлар қандай содир этилган бўлса, улар ҳам айнан шундай тартибда амалга оширилади ва тажриба ҳаракатларини ўтказганда айнан воқеада ишлатилган восита ва усуллар, предметлар ўрганилади ёки уларга ўхшаш восита ва предметлар ишлатилиши мумкин.

4. Экспериментнинг алоҳида босқичларини ўтказиш учун уларни ўтказиш тартиби ва кетма-кетлигини белгилаш лозим. Терговчи экспериментни ўтказишдан олдин, жиноят ишида тўпланган маълумотларга кўра, эксперимент бўйича ўтказиладиган ҳаракатлар кетма-кетлигини билади ёки тахмин қилади. Эксперимент жараёнида олинган маълумотлар, агар воқеликда бўлган ҳаракатлар кетма-кетлигига риоя қилинган бўлса, воқеликка тўғри бўлади. Баъзи ҳолатларда қандайдир ҳодисани деталли равишда аниқлаш учун уни текшириш мақсадида тажриба ҳаракатларини маълум босқичларга бўлиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир босқичда олинган натижаларга асосан терговчи воқеа тўғрисида тўлиқ тушунчага эга бўлади.

5. Тажриба ҳаракатлари бир неча маротаба қайтарилиши лозим. Тажрибалар сони терговчи томонидан белгиланади ва шундан келиб чиқиб, у барча ҳолатларни ҳисобга олиши лозим. Тасодифий натижалар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида, бир турдаги тажрибаларни бир неча маротаба ўтказиш керак. Тажрибаларни ўтказиш шароитлари, одатга кўра, агар воқеанинг қандай шароитда ўтганлиги ноаниқ бўлса, у ҳолда текшириладиган воқеанинг шароитлари бироз ўзгартирилиши мумкин. Масалан, эксперимент, агар одамни кўриш

ва таниб олиш мақсадида ўтказилса, ёруғлик ҳолати бўйича объект қоронғулаштирилади ёки янада ёруғ қилинади.

Эксперимент ўтказишининг тактик шартларига белгиланган қатнашчилар доирасини, воқеликда бўлган ҳаракат меъёрини эксперимент жараёнида ўтказиладиган тажрибалар меъёрига тўғри келишини ҳам қўшиш мумкин.

Экспериментнинг жараёни ва натижаларини қайд этиш ҳамда уларни баҳолашда қуйидаги қоидаларга риоя этилиши мақсадга мувофиқдир. Эксперимент ўтказиш натижалари бўйича баённома расмийлаштирилади ва унинг жараёни ҳамда натижалари қайд этилади. Баённоманинг тавсиф этиш қисмида унинг мақсадини, шароитларини ва қандай ҳолатда ўтказилганлигини, уни ўтказиш учун ташкилий чораларни, эксперимент вақтида қандай предметлар ва объектлар ишлатилганлигини, тажриба ҳаракатларининг кетма-кетлигини қайд этиш муҳимдир. Шунингдек, эксперимент қандай натижалар берганлигини кўрсатиш керак. Терговчи ва мутахассис-криминалист эксперимент ўтказганларида режалар, схемалар тузиш ҳамда фотосуратга ва видеоёзувга олиш воситалари кенг қўлланилади.

Терговчи экспериментнинг натижаларини, ўтказилган тажрибаларни ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив таҳлил қилиб, иш бўйича барча ҳолатларни ҳисобга олиб, қонун асосида ва ички ишончига кўра баҳолайди. Ўтказилган тажрибалар воқеликда бўлиб ўтган ҳаракатларга қанчалик мос келса, олинган натижалар шунчалик тўғри бўлади.

Тажрибалар асосида олинган натижаларга кўра, ҳаракатларни объектив равишда содир этилиши ва текшириладиган ҳаракатлар ҳақиқатан бўлганлиги тўғрисида хулоса қилинган бўлса, у ҳолда экспериментнинг натижалари ижобий ҳисобланади. Натижаларнинг салбий хулосаси эса текширилган ҳодисаларнинг воқеликда бўлмаганлигини келтириб чиқаради.

Маълум ҳолатларда экспериментни қайта ўтказиш зарур бўлиб қолади. Бундай ҳаракатларни бирламчи ўтказилган экспериментда тегишли процессуал ва тактик талабларга риоя қилинмаганлигида ёки олинган натижалар шубҳали бўлганда амалга оширилади.

Эксперимент баённома билан расмийлаштирилади. Баённомани суриштирувчи ёки терговчи тузади, суд эса экспериментнинг бориши ва натижаларини суд мажлиси баённомасида акс эттиради. Баённомада: эксперимент қандай мақсадда, қачон, қаерда ва қандай шароитда ўтказилганлиги; ҳодисанинг шароитини ва ҳолатини тиклаш айнан нималарда ўз аксини топганлиги; қандай тажриба ҳаракатлари қай

тартибда, ким томонидан ва неча марта ўтказилганлиги; қандай натижалар олинганлиги кўрсатилган бўлиши шарт (ЖПК 156-м.).

Жинойтларни тергов қилиш – нафақат билиш, балки тасдиқлаш хусусиятига ҳам эга бўлган жараён. Фактларни нафақат билиш, балки муайян қоидаларга риоя этган ҳолда тасдиқлаш ҳам муҳим.

Агар тасдиқлаш жараёни қонуний талаблар ва тавсияларни бузган ҳолда кечса, терговчи билиш фаолиятининг муваффақиятига путур етади ва аниқланган фактлар исботлаш аҳамиятига эга бўлмайди.

Эксперимент ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузилади ва унда эксперимент жараёни ва натижалари акс эттирилади (ЖПК 154-м.).

Тергов ҳаракати, яъни эксперимент баённомасини терговчи, суриштирувчи тузади, чунки тергов ҳаракатини ўтказиш мажбурияти уларга юкланган. Эксперимент баённомаси уни ўтказиш вақтида ёки ўтказиб бўлгандан кейин тузилади.

Баённомада эксперимент қандай мақсадда, қачон, қаерда ва қандай шароитда ўтказилганлиги; ҳодиса шарт-шароити ва ҳолатларини тиклаш нимада кўринганлиги; қандай тажрибалар, қай тартибда, ким томонидан ва неча марта ўтказилганлиги; қандай натижалар олинганлиги кўрсатилиши керак. Техник воситаларни ишлатишдан аввал эксперимент ўтказишда иштирок этаётган шахсларнинг бундан огоҳ этилганлиги баённомада акс эттирилади. Тергов ҳаракати баённомасини унинг барча иштирокчилари имзолашлари керак. Улар ўз имзолари билан баённомада ифодаланган маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайдилар.

Амалдаги жиноят процессуал қонунчилик нормалари ва тергов амалиётини таҳлил этиш баённома тузилишига кўра уч қисмдан: кириш, баёнот ва хулоса қисмларидан иборатлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

Кириш қисмида қуйидагилар акс эттирилади:

- процессуал ҳаракат номи – «Эксперимент баённомаси»;
- эксперимент ўтказилган жой ва сана;
- эксперимент бошланган вақт;
- баённома тузган шахснинг лавозими, махсус унвони ва фамилияси;
- терговчи эксперимент ўтказишда ёрдам бериш учун таклиф этган суриштирув органлари ходимларининг лавозими, махсус унвони ва фамилияси;
- холисларнинг фамилияси, исми-шарифи, адреси;
- экспертлар ва мутахассисларнинг лавозими, фамилияси, исми-шарифи;

- химоячининг фамилияси, исми-шарифи;
- экспериментда иштирок этган гумон қилинувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг фамилиялари, исми-шарифлари;
- экспериментдаги бошқа иштирокчиларнинг фамилиялари, исми-шарифлари;
- жиноят-процессуал қонуннинг эксперимент ўтказишда риоя этилган моддалари;
- эксперимент ўтказишдан кўзланган мақсад;
- эксперимент иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқлари тушунтирилгани тўғрисидаги маълумот;
- ЖПКнинг 74-моддасига мувофиқ, холисларга уларнинг эксперимент бўлганлигини ва унинг натижаларини тасдиқлаш мажбуриятлари тушунтирилганлигига доир маълумотлар.

Баёнот қисми қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- эксперимент шароитлари ва ҳолатлари тўғрисидаги;
- экспериментни ташкил этиш (жумладан, эксперимент қатнашчиларининг тажрибалар бошлангунча эгаллаган жойлари ва улар ўртасидаги алоқа воситалари тўғрисидаги;
- тажриба ўтказишда фойдаланилган нарсалар тўғрисидаги;
- эксперимент ўтказишда олинган натижалар тўғрисидаги маълумотлар.

Хулоса қисми ўз ичига қуйидагиларни олади:

- эксперимент тугаган вақтга доир белги;
- эксперимент иштирокчиларнинг ариза, таклиф ва мулоҳазалари;
- эксперимент ўтказиш давомида қўлланилган техник воситалар, улардан фойдаланишнинг шарт-шароитлари ва тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- эксперимент ўтказиш вақтида тузилган чизмалар ва режалар рўйхати;
- эксперимент иштирокчиларининг баённома билан танишганлиги ва баённоманинг ўтказилган тергов ҳаракати мазмунига мос келишга оид маълумотлар;
- эксперимент иштирокчиларининг имзолари.

Дастлабки терговда тузиладиган баённомаларга қўйиладиган талаблар нафақат бундай актларни тасдиқловчи ҳужжат шаклига, балки уларнинг мазмунига, процессуал ҳаракатни ҳақиқатда бажариш шарт-шароитлари ва тартибига ҳам бир хилда тааллуқлидир. Бундай талабларга процессуал актнинг қонунийлиги, асосланганлиги, ўз вақтида-

лиги, мотивлиги, адолатлиги, ҳар томонламалиги, тўлиқлиги ва аниқлиги ҳамда улар тузилишининг юқори савиядалиги ва ҳужжат сифатида расмийлаштиришнинг саводлилиги киради. Ушбу талабларга процессуал ҳаракатлар ҳам, процессуал ҳужжатлар ҳам жавоб бериши керак. Айрим талаблар ўз йўналишига кўра жиноят-процессуал актнинг мазмуни ёки шакли учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Юқорида баён этилган фикрлар дастлабки терговнинг мажбурий, жиноят-процессуал қонунчилик қоидаларига ёхуд жиноят процесси принципларига, шунингдек, тергов-суд амалиёти ва жиноят процесси назарияси тавсияларига асосланган ҳамда жиноят процесси вазифаларини энг муваффақиятли ҳал этиш мақсадида процессуал ҳаракатларнинг ўзлари ҳам, процессуал ҳужжатлар ҳам жавоб бериши керак бўлган шарт-шароитлари (қоидалари) бўлмиш жиноят-процессуал актларига қўйиладиган талабларни аниқлаш имконини беради.

Дастлабки тергов жиноят-процессуал актларига қўйиладиган талаблар ичида биринчи навбатда қонунчиликда бевосита кўрсатилган талаблар гуруҳини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Бундай талабларга уларнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлиги киради. Ушбу талаблар умумий бўлиб, жиноят-процессуал фаолиятнинг барча процессуал актлари уларга мувофиқ бўлиши керак.

Дастлабки терговнинг жиноят-процессуал актлари жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида махсус талаблар сифатида бевосита ифодаланмаган, аммо жиноят процесси принципларидан келиб чиқадиган талабларга ҳам мос бўлиши керак.

Дастлабки терговда жиноят процесси принципларини амалга ошириш дастлабки тергов олдида қўйиладиган вазифалар билан чамбарчас боғлиқдир. Дастлабки тергов фаолиятининг принциплари қуйидаги умумҳуқуқий демократизм, инсонпарварлик, қонунийлик, фуқароларнинг тенглиги, мансабдор шахслар ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш эркинлиги принципларига таяниши шубҳасиздир. Айни пайтда, терговчи ўз фаолиятини жиноят процесси принципларига мос равишда амалга оширади.

Аммо дастлабки тергов жиноят-процессуал актларига қўйиладиган талаблар юқоридагилар билан чекланмайди. Мазкур актларга қўйиладиган баъзи бир талабларни тергов-суд амалиёти илғор тажрибани инобатга олган ҳолда ва процессуал фан нуқтаи назаридан ифодалайди. Бундай талаблар асосан процессуал актнинг ташқи (ҳужжатий) томонига тааллуқлидир. Жиноят-процессуал актларга қўйиладиган талабларнинг ушбу гуруҳига уларнинг аниқлиги, саводлилиги,

юқори даражада маданиятли расмийлаштирилганлигини киритиш зарур.

Иш учун аҳамиятли бўлган аниқ маълумотларга эга ва ЖПК нормаларига мувофиқ тузилган эксперимент баённомаси иш учун далил бўла олади. Терговчи эксперимент натижаларини ўзининг ички ишончига асосланган ҳолда баҳолайди.

Терговчи эксперимент натижаларини тўғри ёки нотўғри, иш учун аҳамиятли ёки аҳамиятсиз, иш бўйича хулоса қилиш учун етарли ёки етарли эмас деб эътироф этганда бирор шахснинг кўрсатмасидан эмас, балки ўз ички ишончидан келиб чиқади. Бунда у қонунга таяниши керак.

Эксперимент натижаларининг тўғрилиги кўп ҳолларда у ўтказилган шарт-шароитга, шунингдек, тажрибалар ўтказиш вақтида фойдаланилган нарсаларга боғлиқ, ҳақиқатда бўлган воқеа-ҳодисаларга қанчалик ўхшашликка эришилса, олинган натижалар ҳам шунчалик тўғри бўлади.

эксперимент натижалари ё ижобий, ё салбий бўлиши мумкин. Салбий натижалар маълум бир шарт-шароитларда муайян ҳаракатларни амалга ошириб бўлмаслигидан далолат беради. Масалан, қандайдир вақт ичида муайян масофани юриб ёки югуриб ўтиш ёхуд берилган ишни бажариш имконияти у ёки бу шахснинг қобилияти, саломатлиги, касб маҳоратининг бор-йўқлигига боғлиқ. Эксперимент натижаларини баҳолашда бу хусусиятларни инобатга олиш зарур.

Эксперимент натижаларини баҳолашда шахснинг у ёки бу ҳаракат қилишни истаган-истамаганлигига ҳам эътибор бериш керак.

Экспериментнинг ижобий натижаси у ёки бу ҳаракат, воқеа ва ҳодисанинг ҳақиқатан ҳам бўлганлигини билдирмайди: хатти-ҳаракатлар тегишли шарт-шароитлардагина юз бериши мумкин, ҳодиса ёки воқеа ҳақиқатда бўлиши мумкин. Терговчи эксперимент натижаларини ҳар томонлама баҳолаганидан кейин, улардан ишни бундан буён юритишда фойдаланиш усулларини аниқлайди.

4. ЭКСПЕРИМЕНТ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИ ЖАРАЁНИДА ПРОЦЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларининг самарасини янада оширишга катта эътибор берилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва ҳаётга тўлиқ татбиқ қилишнинг самарали тизими яратилган бўлиб, у ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «бугун Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа имкониятлар қонун билан ҳимоя қилинган»¹.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган принциплар ва қоидаларга риоя этиш барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятидир².

Шу билан бирга, жамиятимизда жинойтчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш мақсадида холисона, ҳар томонлама дастлабки тергов олиб бориш ва унда жинойт ҳодисасини тиклаш масаласи долзарб муаммолардан биридир. Чунки, эксперимент ҳаракатини қўллаш бу масаланинг ижобий ҳал этилишида муҳим аҳамиятга эга. Аммо, унинг ўтказилишида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини талаб даражасида таъминламаслик юқоридаги вазифанинг амалга оширилишига тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашни илмий ўрганиш масаласи долзарб аҳамиятга эга..

Ўзбекистон Республикаси жинойт-процессуал қонунчилигида барча тергов ҳаракатларини ўтказиш учун асослар, уни амалга ошириш тартиби ҳамда натижаларини қайд қилиш усуллари батафсил кўрсатиб берилган.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, юридик адабиётларда тинтув, олиб қўйиш, гувоҳлантириш каби баъзи тергов ҳаракатлари про-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Т., 1995. – Б.22.

² Қаранг: Сатторов А. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизими тергов соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш бўйича услубий тавсиялар (Тергов амалиётида қўллаш учун). – Т., 2002. – Б.5.

цессуал мажбурлов чоралари сифатида эътироф этилган. Баъзан эса бу ҳаракатлар ҳақиқатга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлаш чоралари деб юритилган¹. Жиноят процессида ушбу чоралар мажбурлов чоралари сифатида ҳамда судни амалга ошириш учун керак бўлган чоралар сифатида намоён бўлади².

Турли муаллифлар томонидан келтирилган таъминлаш чоралари қаторига киритиладиган ҳаракатлар рўйхатларида тергов ҳаракатларининг ҳаммаси ҳам мажбурлов чоралари деб аталмайди. Баъзи муаллифлар мажбурлов чораларига ушлаб туриш, тинтув, гувоҳлантириш каби ҳаракатларни киритишади³; бошқалар олиб қўйиш ва солиштириб таққослаш учун намуналар олишни қўшиб қўйишади⁴; учинчи гуруҳ олимлар эса бу қаторни почта хат-хабарларини хатлаш чораси билан давом эттиришади⁵. Қолган тергов ҳаракатлари – сўроқ қилиш, кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, шу жумладан экспериментни кўп муаллифлар мажбурлов чоралари деб тан олишмайди.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай тергов ҳаракати, умуман, процессуал ҳаракатларни давлатнинг мажбурлов кучига таянмасдан амалга ошириш мумкин эмас. Тинтув, олиб қўйиш каби тергов ҳаракатларининг мажбурлов характери шахснинг яшаш жойи ва унинг дахлсизлигини чекловчи ташкилий бошқарув ҳамда излаш чоралари орқали амалга оширилади. Бошқа тергов ҳаракатларида мажбурлов кучи унча ҳам яққол таърифга эга бўлмаса-да, лекин уларда ҳам қисман мажбурлов кучининг белгилари намоён бўлади.

Терговчи бирор-бир тергов ҳаракатини ўтказиш тўғрисидаги қарорни қабул қилганидан сўнг, бу тергов ҳаракатида қатнашувчи

¹ Қаранг: *Зажичкий В.И.* Правовые принципы в законодательстве // Государство и право. – 1996. – №11. – С. 93–94.

² Қаранг: *Элькинд П.С.* Цели и средства их достижения в уголовном праве. – М., 1996. – С.88.

³ Қаранг: *Мухамадалиев Д.С.* Уголовно-процессуальное принуждение в механизме обеспечения задач предварительного следствия: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1995. – С.12–13; *Каишет Э.Г.* Правовые организационные проблемы производства по делам несовершеннолетних: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1993. – С.10.

⁴ Қаранг: *Жогин Н.В., Фаткуллин Ф.Н.* Предварительное следствие. – М., 1993. – С.256; *Корнуков В.М.* Меры процессуального принуждения в уголовном судопроизводстве. – Саратов, 1998. – С.25.

⁵ Қаранг: *Ивлиев Г.П.* Основания и цели применения мер процессуального принуждения // Государство и право. – 1995. – №11. – С. 21–26.

шахсларнинг умумий мажбуриятлари аниқ бўлади ва шу орқали ҳар бир тергов ҳаракатининг мажбурлаш кучи намоён бўлади. Мажбурлаш кучининг намоён бўлиши шундан иборатки, яъни терговчи томонидан тегишли тергов ҳаракатининг ўтказилиши жараёнида процесс иштирокчиларининг мустақил равишда ҳаракатланиши чекланади ва бу жараёнда тегишли жинойт-процессуал нормаларни бузганлик учун улар жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Мазкур ҳолат қонунийликнинг императивлик хусусиятини белгилайди ва процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда кафолат кучига эга бўлади.

Эксперимент тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланиши ўз қонуниятларига эга ва бу тергов ҳаракатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқ.

Эксперимент ҳам барча тергов ҳаракатлари сингари қуйидаги тўртта ажралмас босқичлардан иборат:

1. Тайёргарлик босқичи.
2. Процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш босқичи.
3. Процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни татбиқ этиш босқичи.
4. Назорат-тасдиқлаш босқичи.

Тайёргарлик босқичида терговчи, суриштирувчи тергов ҳаракатини ўтказиш учун керакли ташкилий чораларни кўради (кўрсатмалари бўйича тажрибалар ўтказиладиган, шароитлар қайта тикланиб кўрсатмалари текшириладиган шахс, холисларга чақирув қоғозларини юборади, иш материаллари билан танишади, мутахассис билан маслаҳат суҳбати ўтказилади ҳамда тергов ҳаракатининг аниқ куни ва соатини белгилаб, унда қўлланиладиган барча техник ва техник-криминалистик воситаларни тайёрлайди, оператив ходим, шунингдек, лозим бўлса, мутахассис ва бошқа ёрдамчи ходимларни чақиради ва тергов ҳаракатининг режасини тузади).

Процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириш босқичида тергов ҳаракатига келган иштирокчиларнинг шахсини текширади ва уларга процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтиради ҳамда уларни бу маълумотлар бўйича тегишли ҳаракатлар қилиш қобилиятига ишонч ҳосил қилгандан сўнг бевосита учинчи босқичга ўтади. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан танишганликлари тўғрисида терговчи баённомада қайд этади, иштирокчилар ҳам ўз тасдиқловчи имзоларини баённомада қайд этишлари лозим.

Процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларни татбиқ этиш босқичи тергов ҳаракатининг бевосита мазмуни ва мақсади билан боғлиқ бўлиб,

ҳар бир иштирокчи ўзига бириктирилган мажбуриятни бажаради ва ҳуқуқларидан фойдаланади.

Назорат-тасдиқлаш босқичи тергов ҳаракатини расмийлаштириш, яъни унинг натижаларини қайд этиш билан боғлиқ бўлиб, шу ҳаракат бўйича терговчи баённома тузади ва уни иштирокчиларга маълум қилади. Иштирокчилар баённомани воқеликка тўғри тузилганлиги тўғрисида ва тергов ҳаракатида ҳақиқатан иштирок этганликлари ва бу ҳаракатнинг натижалари тўғрилигини тасдиқлаб баённомага имзо чекадилар.

Экспериментда терговчи томонидан юқорида келтирилган тўртта босқичга амал қилиниши мазкур тергов ҳаракатининг қонуний ўтказилганлигидан дарак беради. Агар эксперимент тергов ҳаракатини амалга оширишнинг бирор-бир босқичида бу талабларга риоя қилинмаса, тергов ҳаракатининг ҳуқуқий кучи йўқолади ва унда олинган натижалар далилий аҳамиятга эга бўлмайди.

Эксперимент жараёнининг асосий иштирокчилари айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар ҳисобланади, чунки мазкур тергов ҳаракати жараёнида бевосита уларнинг содир бўлган жиноят ҳодисаси тўғрисидаги кўрсатмалари текширилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларида айбланувчи (45–46-м.), гумон қилинувчи (47–48-м.), жабрланувчи (54–55-м.), гувоҳ (65–66-м.) ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, Жиноят-процессуал кодексига асосан айбланувчи, гумон қилинувчи ва жабрланувчилар жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар бўлиб, гувоҳ эса жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар гуруҳига киради.

Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимлари томонидан жиноятларни тергов қилиш уларнинг инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш ва процессуал жиҳатдан таъминлаш борасидаги фаолиятининг мустақил, алоҳида йўналиши ҳисобланади. Лекин мазкур фаолиятни жиноят процессининг бирор-бир қатнашчиси ҳуқуқий ҳолатига кафолатли ва мажбурий чекловчи таъсир кўрсатишдаги ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, уни бошқа фаолиятлардан алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир¹. Бунда кенг тавсиф эмас, балки тадқиқотнинг асосий предметини, яъни ички ишлар органларининг вазифаларини инсон ҳамда фуқаронинг эркинликлари ва ҳуқуқлари кафолатлари тизими

¹ Қаранг: *Алимжонов Б.* Раскрытие преступления – задача следственных органов. – Т., 1995. – С. 3–25.

орқали умумий баҳолашни назарий идрок этишга тўлиқ бўйсундирилган тавсиф ҳавола этилади.

Ана шу жараёнда терговчилар процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишлари ва таъминлашлари зарур. Бу ерда сўз нафақат жабрланувчи ёки гувоҳлар ҳақида, балки процесс иштирокчиси сифатида айбланувчи тўғрисида ҳам бормоқда.

Бу масала бўйича кўпгина ҳуқуқий адабиётларда турли хил фикр ва мулоҳазалар билдирилган. Масалан, ҳуқуқшунос олим Н. Т. Ведерников дастлабки тергов жараёнида процесс иштирокчиси бўлган айбланувчи бўйича маълумотларни етти гуруҳга бўлади:

- 1) таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумот;
- 2) айбланувчининг моддий ҳолати;
- 3) айбланувчининг соғлиги ва руҳий ҳолати;
- 4) иш жойидан тавсифнома;
- 5) жамоат ташкилотлари номидан тавсифнома;
- 6) оилавий ва турар жойи томонидан тавсифнома;
- 7) айбланувчининг қонунга хилоф содир этган хатти-ҳаракати ва

тергов жараёнига нисбатан муносабати.

Баъзи бир олимлар эса дастлабки тергов жараёнида айбланувчининг шахси ҳақидаги маълумотларни олти турга бўладилар.

1. Таржимаи ҳоли тўғрисидаги маълумот.
2. Айбланувчи ҳақида жамоатчилик фикри.
3. Айбланувчининг яшаш шароити.
4. Айбланувчининг соғлиги ва руҳий ҳолати.
5. Айбланувчининг турмуш тарзи, атрофдагилар билан муносабати.
6. Айбланувчининг ахлоқи, хулқ-атвори ва ижодий фаолияти бўйича

маълумотлар.

Фикримизча, айбланувчининг дастлабки тергов жараёнида ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида унинг шахси ҳақидаги маълумотларни бир тизимга солиб, унинг қуйидаги тўрт асосий гуруҳини ажратиш мақсадга мувофиқдир:

биринчи гуруҳ – унинг ўзи тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар (туғилган йили ва жойи, миллати, касби, оилавий шароити, соғлиги ва унинг моддий ҳолати, муқаддам судланган-судланмаганлиги ва ҳоказо);

иккинчи гуруҳ – айбланувчининг соғлиғи ва унинг руҳий ҳолати (тиббий ҳисобда туриши, диспансерда хасталиги туфайли ҳисобда туриши, ногиронлиги, алкоголь ва наркотик моддалар истеъмол қилганлиги учун ҳисобда туриши ва ҳоказо);

учинчи гуруҳ – айбланувчининг яшаш тарзи (унинг яшаш ва турар жойи шароити, иш жойи, қўни-қўшнилари билан ўзаро муносабатлари,

маҳалла аҳли ўртасида обрўси, муомиласи ва фаоллиги, жамоат ишларида қатнашиши тўғрисидаги маълумотлар);

тўртинчи гуруҳга айбланувчининг қонунга хилоф содир этган хатти-ҳаракатига муносабати (содир этган жиноий қилмишига нисбатан афсусдалиги, моддий ва маънавий зарарни тўлашга бўлган муносабати ва ҳоказо).

Ана шу маълумотларга эга бўлиш терговчига дастлабки тергов пайтида айбланувчига процесснинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида қарашига имконият яратади.

Афсуски, тергов амалиётида жиноят ишларининг ҳар томонлама, тўлиқ, ҳолисона тергов қилинмаганлиги оқибатида судлар томонидан оқлов ҳукмлари чиқарилиши ҳолатлари мавжуд. Бунинг натижасида нафақат айбланувчи (судланувчи)нинг, балки процесснинг барча иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига зиён етказилиши мумкин.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, «конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон манфаатини кўзлаб иш тутишга ва шу доирада ўзаро ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилидир»¹. Шундай экан, ички ишлар органларида қонунийликка риоя қилиш инсон ҳуқуқларини, шу жумладан тергов фаолиятида эса процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Бугунги кунда ривожланган техник воситалардан эксперимент жараёнида фойдаланиш тергов ҳаракати самарали амалга оширилишини таъминлайди. Ҳозирги замон техник воситалари (компьютер, уяли фотокамерали телефонлар, видеокамера ва бошқа воситалар) орқали ҳодиса содир бўлган жойдаги шароитни тажрибалар ўтказиш орқали кўрсатмалари текширилиши лозим бўлган шахс билан бе-восита боғлаш имкониятини яратади. Шундай экан, айрим ҳолатларда экспериментни жиноят рўй берган жойга чиқмасдан техник воситалар ёрдамида текшириб кўриш имкониятлари мавжуд.

Шундай қилиб, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш нуктаи назардан юқорида келтирилган тўртта босқич талабларига суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан амал қилиниши тергов ҳаракатида иштирок этган шахснинг процессуал ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари чекланмаганлиги ва тўлиқ таъминланганлигидан далолат беради.

¹ Каримов И.А. ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6. – Т., 1997. – Б.173.

Х У Л О С А

Демак, эксперимент иш учун аҳамиятли тусмолларни текшириш ҳамда белгиланган тажрибавий ҳаракатларни муайян шароитда ва тегишли равишда амалга ошириш имкониятларини аниқлаш мақсадида бажариладиган мустақил тергов ҳаракати бўлиб, адолатнинг қарор топишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, жиноят ишини сифатли тергов қилишда процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига, қонуний манфаатларига зарар етказмаслик терговчининг муҳим вазифаларидан биридир.

Дастлабки терговда терговчининг вазифаси нафақат шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш эмас, балки уларни таъминлашдан ҳам иборатлиги, шунингдек, ҳар бир шахснинг у ёки бу юридик имкониятларини тўғри амалга ошириш ва бунинг учун қулай шароитлар яратишга қаратилган бўлиши, қонунда белгиланган процессуал воситалардан фойдаланишда ўз ифодасини топиши керак. Шундай экан, барча тергов ҳаракатлари, шунингдек эксперимент жараёнида ҳам терговчи қонунийликка риоя қилган ҳолда мазкур тергов ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлалигича таъминлаши лозим. Бу эса тергов ҳаракатининг самарали амалга оширилишини ва процесс иштирокчилари томонидан мазкур тергов ҳаракатининг натижаларидан турли хил норозиликлар келиб чиқмаслигини кафолатлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2015.

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Т., 1996.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т., 2002.

Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Т. 16. – Т., 2008.

Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Т., 2011.

Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Т., 2012.

Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2010.

Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. Т. 22. – Т., 2014.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддалари (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисми)га ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – №16. – 159-м.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2016.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2016.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. – Т., 2016.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги «Адвокатура тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. –1997. – № 2. – 48-м.; – 2001. – № 1–2. – 23-м.; – 2003. – № 5. – 67-м.; – 2004. – №1–2. – 18-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. –2005. – №9. – 312-м.; –2008. – №12. – 641-м.; –2009. – №9. – 337-м.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-378-сон қонуни // Халқ сўзи. – 2014. – 4 дек.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – №9–10. – 168-м.; – 2003. – №5. – 67-м.; – 2005. – №1. – 18-м.; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2007. – №6. – 249-м.; – 2008. – №9. – 487-м.; – №12. – 636-м.; –2011. – № 4. – 101-м.; – 2012. – №9/2. – 244-м.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – №38. – 433-м.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги 2/1–2-сонли қарори билан тасдиқланган «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома» // Lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2014 йил 26 декабрдаги «Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув жараёнида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 120-сонли буйруғи.

Акрамходжаев Б. Т. Правовосстановительная функция в уголовном процессе. – Т., 1997.

Абдуганиев У. Жамият, оила ва ёшларнинг ҳуқуқий тафаккурини шакллантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва бурчларига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1-жилд. – Самарқанд, 1997.

Астанова Л.И. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар: Ўқув қўлланма. – Т., 1997.

Абдумажидов Ғ., Ҳидоятлов Б. Аҳоли учун юридик маълумотнома: Жавобгарлик муносабатлари / Масъул муҳаррирлар А.А.Аъзамхўжаев, А.А.Иноятлов; таҳрир ҳаёти: Ғ.А.Абдумажидов, Ҳ.Қ.Жалолов, А.А.Иноятлов ва бошқалар). – Т., 1995. – Б.51–52.

Бакаева Ф.О. О задачах прокуратуры и омбудсмана в сфере обеспечения защиты прав человека в Узбекистане // Омбудсман в Узбекистане. – Т., 2001.

Гольст Г.Р. Расследование по делам о спекуляции. – М., 1948.

Давлетов А. Д. Прокурорский надзор: Учебник. – Нукус, 1999.

Ражабова М. А. Шариятда жиноят ва жазо: Монография. – Т., 1996.

Стремовский В.А. Участники предварительного следствия. – Ростов на Дону, 1996.

Саидов А.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари. – Т., 1998.

Таджиханов У., Саидов А.Х. Ҳуқуқий маданият назарияси. 3 том – Т., 1998.

Таджиханов У. Ўзбекистонда мустақил давлатчиликнинг ҳуқуқий-маънавий муаммолари. – Т., 1996.

Таджиханов У. Ҳуқуқий мафкура ва қонунга итоаткорлик. – Т., 1995.

Темур тузуклари / Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси; Б. Аҳмедов таҳрири остида. – Т., 1991.

Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001.

Бабаяров А. Яраштириш – жиноий жазоларни либераллаштиришнинг муҳим омили // *Qonun himoyasida*. – 2002. – № 4 (76).

Махмудов А.А. Қонунийлик – демократик давлатчилик пойдевори // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – 1999. – № 2.

Мухамедов Ў.Ҳ. Қонун устунлигини таъминлаш – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойили // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – 2001. – № 3.

Сатторов А. Ички ишлар органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш муаммолари // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – 2000. – № 2 (10).

Саидов Б.А. Адолатли суд процесси ҳақида // *Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари*. – Т., 2000.

Ҳакимов Р. Сарсонгарчиликка чек қўйилди // *Qonun himoyasida*. – 2003. – № 12.

Қодиров Р. Қонунийлик ва адолат давр талаби // *Qonun himoyasida*. – 2004. – 2 (98).

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1. Эксперимент тергов ҳаракати ва унинг турлари	5
2. Эксперимент ўтказиш асослари ва процессуал тартиби	21
3. Эксперимент тактикаси ва натижаларини қайд этиш усуллари	32
4. Дастлабки тергов жараёнида эксперимент ўтказишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш.....	40
ХУЛОСА	46
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	47
Иловалар	49

Даврон Мирагзамович МИРАЗОВ,
юримдик фанлар номзоди, доцент

ЭКСПЕРИМЕНТ – ТЕРГОВ ҲАРАКАТИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир **Б. А. Яров**
Техник мухаррир **Д. Р. Джалилов**

Босишга рухсат этилди 07. 09. 2016. Нашриёт-ҳисоб табағи 3,5.
Адади 50 нусха. Буюртма № ____ . Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.